БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 200 (4299)
2 СЕНТЯБРЬ 1980 Й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ле Зуанга, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти вазифасини ижро этувчи ўртоқ Нгуен Хиу Тхога, Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг раиси ўртоқ Чионг Тинга, Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фам Ван Донгга Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами муносабати билан табрик телеграммаси йўлладилар.

✦ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко 28 августдан 30 августгача Белгород областида бўлди. У саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарини бориб кўрди, далаларда бўлди. Белгород ва Алексеевкадаги янги уй-жой массивларини, социал-маданий объектларни кўздан кечирди. А. П. Кириленко энергетиканинг ривожи учун катта аҳамиятга эга бўлган Белгород энергетика машинасозлиги заводида корхона раҳбарлари билан, ишчи ва инженерлари билан суҳбатлашди.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИДА ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙЛИК

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЯДИ

БУГУН

Ленин орденли Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-цехи тикувчиси, КПСС аъзоси Алла Ким 1986 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Алла Максимовна 15 йилдан бери шу бирлашмада ишлаб келаяпти. У меҳнат ветерани, моҳир мураббий бўлиб, III даражали «Меҳнат шуҳрати» ордени кавалеридир.

Бирлашмадаги съездолди меҳнат вахтасида 7 цех, 61 бригада қатнашяпти. 680 ишчи беш йилликни бажариб, шу кунларда 1981 — 1983 йиллар ҳисобига ишлаяпти.

14 нафар тикувчи «Бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажарамиз» деган ташаббусга қўшилиб, зарбдорчасига меҳнат қилмоқда. 3600 тикувчи КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида қатнашяпти. Корхона ишлаб чиқараётган костюм, пиджакларнинг 40 процента давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда.

Бирлашма бўйича саккиз ойлик план 23 августда 103,7 процент қилиб бажарилди. Пландаги 38 миллион 160 минг сўмлик ўрнига 560 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Йил бошидан бери давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган маҳсулот 11 миллион 600 минг сўмга етди. Съездолди меҳнат вахтаси тобора қизғин тус олмоқда.

● ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА

Сентябрда уй тўйлари

Қўйлиқ — 5б массивда тикланаётган ҳар бири 50 квартирали учта тўққиз қаватли бино 1- ва 21-қурилиш бошқармаларининг коллективларига пардозлаш учун топширилди. Шу йилда ишга тушириш мўлжалланган бу объектларни муддатидан олдин тиклашда 1-уйсозлик комбинати 2-қурилиш бошқармасидаги Николай Ванин ва Александр Закусилов етакчилик қилаётган монтажчилар бригадаси алоҳида намуна кўрсатиб ишлади.

Бригадалар йил бошида бошқарма билан белгиланган маррани муддатидан олдин эгаллаш бўйича шартнома тузишган эди. Ҳар уч уйда монтажлаш ишларини бошлаб юбориш беш йиллик топшириқнинг муддатидан олдин бажарилишига манба бўлди. Бригадалар беш йиллик топшириқни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига қадар бажаришга қарор қилишган эди.

Амалга оширилган ишларнинг натижаси шуни кўрсатмоқдаки, коллективлар ўз зиммаларига олган топшириқларини 7 октябрь — СССР Конституцияси кунига қадар бажаришлари мумкин.

Норбой Маткаримов ва Мансим Адамян (суратда: чапдан ўнгга) экскаватор заводи 1-механика цехининг зарбдор фрезерчиларидан ҳисобланадилар. Улар ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида актив қатнашиб, ёшларга намуна бўлишяпти. Бу меҳнат илғорлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиб, шу кунларда келаси беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетида

ҚИШГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНИШ ЛОЗИМ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда шаҳар хўжалигини 1980 — 81 йил куз-қиш пайтида ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш масалалари ҳар томонлама анализ қилинади, шунингдек йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Ҳали ҳамма жойда ҳам иқтисод ва тежамкорликка етарли эътибор берилмаяпти. Жумладан, биринчи ярим йиллик якунларига кўра 1-гишт заводлар бошқармаси, Қўйлиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати, қоғоз комбинатида электр энергияси ортиқча сарфланишига йўл қўйишган. Бу корхоналарда ҳисобга олиш ва назорат қилиш ишлари ёмон йўлга қўйилган, хўжасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўйиляпти.

Бешқайрагоч массивидаги коттежлардаги ички иситиш тармоқларини реконструкция қилиш ва қозонхонани кенгайтириш сўръати пастлигича қоляпти. Бунда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли капитал қурилиш Бош бошқармаси, 159 ва «Ташсантехгазмонтаж» трестларининг айби бор. Улар ўз ишларига масъулиятсизлик билан ёндошишди. «Ўзбекистэнергострой» трести район қозонхоналари корхонаси, «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ташсантехгазмонтаж» трести «Қорасув» ва «Сергели» қозонхоналарини суст қашлик билан қуришяпти.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда саноат ва коммунал-маиший корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни, шунингдек аҳолини совуқ кунларда ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланган.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг бошқармалари, бўлимлари ва трестларига, район Советларининг ижроия комитетлари ёқилғининг барча турларини жамғариш графигини тасдиқлашлари ва уларнинг бажарилишини назорат қилишлари лозим. Алоҳида корхоналарда энергиянинг ортиқча сарфланиши сабабларини топиш, бунга ўхшаш нуқсонларни барча йўллар билан бартараф қилиш керак.

Қисқа вақт ичида ҳар бир корхонада, ташкилотда иситиш тармоқлари, иситиш системаси, вентиляция ва иссиқ сув беришни тартибга келтириш зарур. Турар жойлар, ишлаб чиқариш ва жамоат биноларини ўз вақтида қишга тайёрлаш керак.

Шаҳар халқ контроли комитетига иссиқлик-энергетика ресурслари сарфланишини кузатиб бориш, истеъмол лимитлари бузилиши ва ёқилғи ҳамда энергия исрофгарчилигида айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш топширилди.

Район партия комитетлари ушбу қарорнинг бажарилишини қаттиқ назорат остига олишлари, ёқилғи сарфининг камайтирилиши, ундан ишнинг кўзини билиб фойдаланилишига эришишлари лозим.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарига ёқилғи ресурсларини кўпайтириш, ундан тежаб-тергаб фойдаланишда юқори кўрсаткичларга эришган коллективларнинг фаолиятини кенг ёритиш, бу муҳим ишга беғаразлик билан муносабатда бўлиш фактларини очиб ташлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ишонч билдирадиларки, партия ва совет органлари, шаҳар Совети ижроия комитети бошқармалари, бўлимлари ва трестларининг, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари шаҳар хўжалигини 1980 — 1981 йил куз-қиш пайтида ишлашга тайёрлаш учун барча тадбирларни кўрадилар.

ЗАРБДОР БРИГАДА — БЕЛЛАШУВ ҒОЛИБИ

«Главташкентстрой» трестига қарашли 37-қурилиш бошқармаси коллективида А. Погребатко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси алоҳида ҳурматга сазовордир. Бу бригада ўтган етти ойдан буён социалистик мусобақа ғолиби деб топилмоқда.

БУГУН

БРИГАДА ҚУРУВЧИЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЗИЁМОВ КУЧАСИДА ҚУРИЛАЁТГАН ТУРТ ҚАВАТЛИ ЕТОҚХОНА БИНОСИНИ МОНТАЖ ҚИЛИШГА КИРИШДИЛАР. АЙНИ ПАЙТДА ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ ҲАМ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.

Бригада коллективи янги ётоқхонани сентябрь ойида фойдаланишга топшириш мўлжалламоқда.

М. ФЕЛЬДМАН.

МУСОБАҚАДОШЛАР

К. Кубанцев ва Ю. Содиқов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари «Главташкентстрой» тўртинчи трестига қарашли 19-қурилиш бошқармасининг пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Иккала бригада ҳам Злобин методи асосида иш олиб бориб, бир неча йилдан бери ўзаро мусобақалашиб келмоқда. Мусобақадош бригадалар яқиндагина иккита турар жой биносини фойдаланишга топширган эдилар.

БУГУН

ана шу бригадалар навбатдаги истиқомат масканларини қуришга киришдилар. Шаҳримизнинг Пушпек кўчасида қад ростлайдиган бу бинолар тўрт қаватдан иборат бўлади. Мусобақадош бригадалар бу биноларни йилнинг охиригача қуриб, фойдаланишга топширишни кўзламоқда.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ БИЛАН

Тошкентдаги индустриал-педагогика техникумининг коллективи янги ўқув йилини бир қатор янгиликлар ва қулайликлар билан кутиб олди. Бу ерда студентларнинг янги ётоқхонаси фойдаланишга топширилди. Ҳисоблаш техникаси кабинети ишга туширилди. Улар ўқувчиларнинг кучи билан тикланди.

Техникумда юқори малакали ишлаб чиқариш таълими мастерлари тайёрланади.

«Ташсельмаш» ва экскаватор заводлари техникумга катта ёрдам кўрсатишди. Корхоналарнинг берган мадади билан бинолар ремонт қилинди, ишлаб чиқариш таълими кабинетларига кўплаб жиҳозлар ўрнатилди.

●ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

ЎРТА ОСИЁДА БИРИНЧИ

11-«Висотстрой» трести қурувчилари бу йил ғоят масъулиятли вазифани бажаришмоқда. Улар шаҳримиздаги 16 қаватли турар-жой биносини қурилишни жадал суръатда давом эттирмоқдалар. Бу турар-жой биноси Ўрта Осиёда қурилаётган энг баланд истиқомат масканларининг биринчиси бўлади. У Саперная кўчасида тикланмоқда.

БУГУН

бинонинг навбатдаги — тўртинчи қаватида қурилиш ишлари бошланди. Уни В. Ишков бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси бажармоқда. Бригадага 35 зарбдор бинокор уюшган.

— Тажриба сифатида қурилаётган бу бино, — дейди участка бошлиғи Анвар Фозилов, — ниҳоясига етказилгач, шаҳримизда 16 қаватли турар жой биноларининг бошқаларини қуришга киришилади.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Вьетнам китоблари декадаси

29 август куни Тошкентдаги «Дружба» магазинида очилган китоб савдоси виставкасида Вьетнам нашриётлари чиқарган 200 га яқин китоб ва альбом қўйилган. Вьетнам мустақиллиги эълон қилинганлигининг 35 йиллигига бағишлаб бу ерда ВСР китоблари анъанавий декадаси бошланди. Шу кунларда виставкани келиб кўрувчилар қаҳрамон халқнинг мамлакат озодлиги ва бахт-саодати учун кураши тарихи билан, қардош Вьетнамнинг экономика, илм-фан ва маданият соҳасида эришган ютуқлари билан танишишлари мумкин.

(ЎзТАГ).

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Сиёсий ва илмий билимларни пропаганда қилишдаги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун фанни оммалаштирувчи совет олимларидан бир группаси Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг олий мукофоти — С. И. Вавилов номидаги медаль билан мукофотланди.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг ректори академик А. А. Логунов, СССР Фанлар академияси химия институти директорининг ўринбосари академик Г. Г. Девятих, Украина ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, М. Горький номли Харьков давлат университетининг профессори П. И. Верба, Украина СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Украина СССР Олий Советининг Раиси, Украина ССР Фанлар академиясининг академиги К. М. Ситнин, Ленин мукофотининг лауреати, Литва ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Литва ССР академиясининг академиги Ю. К. Пожела, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Эстония ССР Фанлар академиясининг президенти К. К. Ребане, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги З. Ю. Юсупов, Меҳнат Қизил Байроқ орденли А. С. Пушкин музей-заповедниги директори С. С. Генченко ва бошқалар мукофотларга сазовор бўлдилар.

Илмий билимларни тарқатишдаги ва ЧССР билан СССР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги актив фаолияти учун Чехословакия Фанлар академиясининг вице-президенти академик Богумил Квасил академик С. И. Вавилов номли медаль билан мукофотланди.

(ТАСС).

▲ ИСТИРОҲАТ МАСКАНЛАРИДА

Мусобақа ғолиблари учун

БУГУН

Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент «Электроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси социалистик мусобақа ғолибларининг дам олиш кечасини ўтказади.

Кечада «Юность» маданият уйининг коллективи, вокал-чолғу ҳамда рақс ансамбллари иштирок этадилар. Шунингдек, «Съездан — съездгача» тематик викторинаси ҳам ўтказилади. Бу, истироҳат боғида Ленин райони меҳнаткашлари учун ўтказиладиган дам олиш кечаларининг тўртинчисидир.

●

Қўш ансамбль чиқиши

С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтаётган қизиқарли кечалар, тантанали учрашувлар бу ерга келаётган зиёратчиларда яхши таассурот қолдирмоқда.

БУГУН

истироҳат боғида пойафзалчилар маданият саройининг «Крунз» ва Аброр Ҳидоятов номли маданият уйи вокал-чолғу ансамбларининг чиқиши бўлиб ўтади. Ансамбллар боғ зиёратчилари учун ўзларининг янги программадаги концертларини намойиш қилишади.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқига садоқат

ДАСТЛАБКИ ГРУППА ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Пойтахтимизнинг 103-автомобиль корхонасида оталиқдаги хўжаликларга ёрдам бериш ишлари қизғин давом этмоқда. Яқиндагина корхонанинг Жиззах области галлакорларига мадад бериш учун тузилган ҳайдовчилар бригадаси галлазорлардан қайтиб келди. Йигирма беш кишидан иборат бу бригада Жиззах деҳқонлари етиштирган дон ҳосилини нобуд қилмай омборларга ташиб бериш ишида муваффақиятли қатнашди.

Корхонада ана шундай ҳашар — бригадаларидан яна бири тузилмоқда. Бу бригада «Зарбдор» райони пахтакорларига кўмаклашади.

БУГУН

ана шу бригаданинг ремонтчиларидан иборат дастлабки группаси оталиқдаги районнинг йигирма биринчи ҳамда «Тошкент» совхозларига жўнаб кетишди. Группа составида корхонанинг О. Зуфаров, Қ. Холиқов каби пешқадам автолетучка ҳайдовчилари бор.

Группанинг асосий мақсади оталиқдаги хўжалик механизаторлари билан ҳамкорликда терим агрегатлари ремонтини ниҳоясига етказиш ва теримга шай қилиб қўйишдан иборат.

Ҳадемай бригаданинг қолган аъзолари ҳам йўлга чиқади.

— Бизнинг вазифамиз, — дейди корхона директорининг ўринбосари А. Қаюмов, пахтакорларга ёрдам қўлини чўзиш билан бирга терим кампаниясида актив иштирок этишдир.

Кейинги пайтда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи сафи ёшлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда ўнлаб зарбдор комсомол-ёшлар бригадалари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ушбу суратда ана шундай бригадалардан бирининг илғор аъзоси Л. Зайнуллиннани кўриб турибсиз. Бу ёш ишчи смена топшириқларини мунтазам ортиғи билан адо этиб, юқори сифатли маҳсулот тайёрламоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

БИРИНЧИ КОРПУС ИШГА ТУШДИ

Биринчи сентябрь куни Тошкент автомобиль йўллари институтининг бунёд этилаётган комплексидаги олти корпусдан биринчи ўқув корпуси ишга тушди. Инженерлик-экономика факультетининг 600 студенти бу ерда машғулотларни бошлади. Институт коллективи умумий химия ва ҳисоблаш техникасининг кенг ва яхши жиҳозланган лабораторияларига, линофон кабинетлари ва бухгалтерия машиналари кабинетларига, шунингдек «Мир—2» типидаги иккита электрон-ҳисоблаш машинаси бўлган ҳисоблаш марказига эга бўлди. Бу ерда аудиториялар кинолаштирилган, таълимнинг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган.

Ана шу корпуснинг тўққиз қаватли биносида ижтимоий фанларнинг ҳамма кафедраларга жойлашди. Ўқув зали очилди. Бу залда ижтимоий фанларга оид исталган китобни топиб ўқиш мумкин. Институтнинг бошқа факультетларида ҳам машғулотлар бошланди. Уларда салкам саккиз минг бўлғуси инженер билим олмоқда.

(ЎзТАГ).

Халқаро МАВЗУДА СУҲБАТ

БИРЛИК ВА ЖИПСЛИК

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг қардош партиялар ва давлатлар раҳбарлари билан яхши аньана бўлиб қолган Қрим учрашувлари социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар практикасида учрашувларнинг бирлиги ва ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашнинг энг муҳим омили сифатида қарор топди. Урток Л. И. Брежнев июль—август ойларида Қримда Венгрия, Чехословакия, Польша, Руминия, Болгария, ГДР, Лаос, Монголия раҳбарлари билан учрашди. Бу учрашувлар дўстона, самимий вазиятда ўтди ва ҳамжиҳатлик ҳамда фикрларнинг бирлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети Қримдаги учрашувларнинг якунларини кўриб чиқиб, бу учрашувларнинг социалистик давлатлар ҳамма соҳалардаги ҳамжиҳатлигини чуқурлаштиришдаги аҳамиятига юксак баҳо берди ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг қилган ишларини тамомила маъқуллади. Июль ойида Москвада ояий даражада бўлиб ўтган Совет — Вьетнам музокаралари билан бирга бу учрашувлар социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлашда янги катта босқич бўлди.

Қримдаги суҳбатлар ва музокаралар давомида социалистик давлатлар ички ривожининг ҳамма асосий масалалари ҳусусида батафсил ахборат айирбошланди, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Социализм мамлакатларининг халқаро майдондаги фаолиятини координациялаш проблемаларига алоҳида эътибор берилди.

Доимий ривожланиб бораётган иқтисодий алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилган вақтда моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқларида ихтисослаш ва кооперативлашни чуқурлаштириш зарурлиги таъкидланди. 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли ихтисослаш ва кооперативлаш программасида бу соҳадаги асосий йўналишлар белгилаб берилди.

Социализм мамлакатларининг партия-давлат раҳбарлари халқаро социалистик меҳнат тақсимотни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг янги марраларини белгиладилар. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳар бири ва умуман социалистик ҳамдўстликнинг манфаатларини кўзлаб, экономиканинг етакчи тармоқларида ҳамкорлик қилишнинг узоқ муддатли тармоқ программалари бу ишда муҳим роль ўйнайди.

Социализм мамлакатлари ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, барча халқларнинг озодликка ва мустақил ривожланишга бўлган ҳуқуқларини барқарор қилишга алоҳида эътибор беради. Қримда бўлиб ўтган учрашувлар, шунингдек Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг май ойида бўлиб ўтган кенгаши буни тўла-тўкис тасдиқлади.

Ҳозирги халқаро вазият ССРнинг ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларининг Европада хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган конструктив тинчлик ташаббусларини амалга оширишни қатъият билан талаб этмоқда. Бунда гап, аввало, Европада ўртача олисликдаги ракета-ядро қуроли хусусидаги музокараларни Американинг олдинги маррадаги ядро воситалари масаласи билан узвий равишда боғланган ҳолда тез орада муҳокама қилиш тўғрисида бормоқда. Ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш масалаларига бағишлаб Умумевропа конференциясини чақириш принципиал аҳамиятга эгадир. Шундай конференцияни чақириш тўғрисидаги сиёсий қарор Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб якинда Мадридда ўтказиладиган кенгаш иштирокчиларининг учрашувида қабул қилиниши мумкин.

Қримдаги учрашувлар социализм мамлакатларининг Афғонистондаги апрель революцияси билан бирдам эканликларини яна бир марта тасдиқлади, Жанубий-Шарқий Осиёни тинчлик ва барқарорлик зонасига айлантириш тўғрисида Вьетнам, Лаос ва Кампучиянинг ташаббуси тўла равишда қўллаб-қувватланди. Америка империалистлари ва Хитой гегемончилари эса мазкур мамлакатларнинг ташаббусига жон-жаҳдлари билан қарши чиқмоқдалар.

Қримдаги дўстона учрашув якунларини барча социалистик ҳамдўстлик давлатлари қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Болгариянинг «Работническо дело» газетаси «бу учрашувлар социализм ва коммунизм йўлида биргалашиб олиб бораётган курашда социалистик мамлакатлар коммунистик партиялари ва халқларининг бирлиги ва жипслигининг намойиши бўлди», деб ўқтириб ўтади.

ЧКП Марказий Комитети Президиуми КПССнинг принципиал ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатини, Совет Иттифоқининг тинчлик учун ва кескинликни юмшатиш учун, қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш учун изчиллик билан олиб бораётган курашини тўла равишда қўллаб-қувватлаётганлигини билдирди.

И. МАСЛЕННИКОВ,

(ТАСС).

● ПАРТИЯ—ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Ишчанлик ва принципиаллик вазиятида

— Ҳозирги ҳисобот сайлов компанияси, — деди ўз ҳисобот докладида «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлов цехи партия ташкилотининг секретари З. Раҳимов, — айниқса масъулиятлидир. У КПСС XXVI съездига тайёргарликнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ҳисобот ва сайловлар партия XXV съезди қарорларини бажариш юзасидан партия ташкилоти ишларини яна бир марта ҳар томонлама таҳлил этиш, қандай яхши ишларни амалга ошираётганимизни, қайси соҳаларга етарлича эътибор берилмаганини синчиклаб назардан ўтказишга имкон бермоқда.

Йиғилишларда план ва мажбуриятларни бажаришда коммунистларнинг етакчилик роли тўғрисида, фойдаланилмаган резерв ва имкониятлар ҳақида, партия ташкилотининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини янада ошириш бўйича вазифалари тўғрисида амалий суҳбат бўлди. Ҳисобот докладида 1979 йилнинг август ойидан бўён ўтган даврда партия ташкилотининг иши таҳлил қилинди. Докладчи ва сўзга чиққанлар ҳисобот даврида ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун қурашда янги муваффақиятларга эришганлигини таъкидлашди.

Партия ташкилотининг ташкилотчилик ва снёсий ишлари натижасида ҳисобот даврида социалистик мусобақа кенг тус олди, давлат планларини бажаришда яхши натижаларга эришилди.

Корхонада ҳар йили 50 дан зиёд янги моделлар ўзлаштириляпти, уларнинг сифати яхшиланяпти. Ҳозир бирлашмада 50 процент буюмлар давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариляпти.

КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақада цехнинг барча ишчилари қатнашишяпти, 28 илғор ишчига коммунистик меҳнат зарбдори фахрий номи берилди. Цех бу йил мусобақада 3 марта биринчи ўринни эгаллади. Партия XXVI съезди шарафига коллектив оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган цех номини олиш учун курашяпти. Бу йилги ишлаб чиқариш планини 1 декабргача, 1981 йилнинг икки ойлик планини партия съезди очиладиган кунгача бажаришга аҳд қилишди. Цех коммунистлари мусобақада етакчилик қилиб ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида ишлашяпти, ишда ва жамоат ҳаётида шахсий намуна кўрсатишяпти. Масалан, йиғилишда коммунистлардан Н. Александрова ва Т. Иванова, мастер В. Боробьева, тайёр буюмлар бўлими бошлиғи С. Сапуров ҳақида илиқ гаплар айтилди. Улар ишга сидқидилдан ёндошадиган, ишнинг кўзини биладиган, топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этадиган кишилардир. Коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонган, мусобақада етакчилик қилаётган В. Анисимова, Д. Турсунхўжаев кабиларнинг номлари тилга олиб ўтилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар эришилган ютуқларни ижобий баҳолаб, партия ташкилоти ишида бир қатор камчилик ва нуқсонлар борлигини айтиб ўтишди. Партия ташкилоти цех ишининг мунтазам бир маромда боришини таъминлай олмаяпти. Газлама бўлакларини нотўғри ва пала-партиш ўлчаш, газлама навларини аниқлашда камчиликлар мавжуд. Ишлаб чиқаришда қўл меҳнати ҳамон кўп иш вақтидан тўла фойдаланилмаяпти.

— Шуниси қувончлики, — деди ўз сўзида коммунист С. Сапуров, — партия ташкилоти коммунистларнинг танқидий фикрларини амалга ошириш юзасидан ўз вақтида чоралар кўряпти. Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар етарлича иш шароити яратиб беришга суст эътибор берилаётгани учун партия ташкилотини танқид қилган эдилар. Ҳозир бу камчиликка асосан барҳам берилган. Афсуски, цехда қўл меҳнати талаб этадиган иш жараёнларини механизациялашга кам эътибор бериляпти. Коммунистларнинг цех комсомол ташкилотига раҳбарлиги, ёшлар билан ишлашга етарлича эътибор беришмаётгани тўғрисида сўзга чиққанлар танқидий фикрлар айтишди. Партия бюросига партия йиғилишларида комсомолларнинг ҳисоботларини тез-тез тинглаб бориш таклиф этилди.

Докладда ва коммунистларнинг сўзларида шу нарса таъкидландики, партия ташкилоти ишининг асосий соҳаларидан бири партия сафларини тўлдириб боришдир. Ҳисобот даврида партия ташкилоти сон жиҳатдан ўсди: ҳозир 18 коммунист ишлаяпти, ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишига нисбатан олти киши кўпайди.

Коммунистлар партия ташкилоти секретари ва унинг ўринбосари фаолиятини қониқарли, деб топишди, партия ташкилотининг сон жиҳатидан ўсганини ҳисобга олиб уч кишидан иборат составда партия группасини сайлашди. З. Раҳимов қайтадан партия бюроси секретари, Н. Александрова унинг ўринбосари, Л. Невдимова партия бюросининг аъзоси қилиб сайланишди.

Йиғилиш коммунистлар зиммасига иш сифати устидан назоратни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг ички резервларини изчил қидириб топиш ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг тус олдириш вазифасини юклади.

С. НИШОНБОЕВ.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

КОМБИНАТНИНГ ИККИНЧИ ЁШИ

«...Ҳали ҳам маблағларнинг ҳаддан ташқари кўп қисми янги қурилишга ва жуда оз қисми ишлаб чиқаришни модернизациялашга, машина ускуналарини янгилашга сарфланмоқда, натижада кўп заводларни реконструкция қилиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада пайсалга солинмоқда».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда бир йўла корхоналарни реконструкциялашнинг самараси аниқ-равшан бўлмоқда. Пойтахтдаги кўпгина корхоналарни, шу жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинатини қайта тиклаш ишлари олиб бориляпти. Бундан роппа-роса 46 йил муқаддам Тошкент тўқимачилик комбинатининг биринчи навбати ишга туширилганди. Шундан сўнг комбинатнинг бошқа ишлаб чиқаришлари сафга кирди, улар ўз маҳсулотларини бера бошлади. Бундай олиб қараганда, ана шу йилларнинг ҳаммаси ўсиш, юксалиш йиллари бўлди. Ўша дастлабки йиллари Ўзбекистон ССР Енгил саноатининг қалдирғочи бўлган мазкур комбинат атиги бир неча ўн минг метр газлама ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирга келиб ҳар суткада унинг бош конвейеридан жами 600 минг метрдан знёд газлама тушириб олинмоқда. Ана шу юксалиш йиллари мобайнида корхона халқ хўжалиги учун муҳим бўлган маҳсулотни етказиб бериб келди.

Бугунги кунда комбинат «чарчади». Аҳолининг ип-газлама бўюмларига бўлган талабини тўла қондириш эса қийин бўлиб қолди. Бундай маҳсулотларни кўплаб ва янада сифатли ишлаб чиқариш — комбинатни реконструкция қилишни, янги қувватларни ишга туширишни тақозо этмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетлари, Фрунзе район партия комитети тўқимачилик комбинатида меҳнат унумдорлигини кўтариш мақсадида катта ғамхўрлик тариқасида махсус қарор қабул қилдилар. Ана шу қарордан келиб чиқиб, корхонада реконструкция ишларини жадаллаштириш, комбинатни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш борасида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Корхонада асосан реконструкция ишлари бундан тўрт йил муқаддам бошланган эди. Аммо қайта тиклаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетди. Унинг натижаси кескин сезилмади. Кейинги икки йил мобайнида эса бу ишларга жиддий эътибор берила бошланди. Ана шу мақсадда «Ташпромстрой» трести қошида реконструкция ишларини олиб бориш учун 1-қурилишмонтаж бошқармаси ташкил этилди. Бош пудратчи бўлган бу ташилот реконструкция ишларини бирмунча тезлаштиришга эришди. Натижада бир қатор объектлар ишга туширилди. Жумладан, комбинат фаолиятида қўшимча бўғин ҳисобланган электр-ремонт механика цехининг янги корпуси, па дозлаш фабрикасининг 8 қаватли маъмурий маиший корпуси ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилди.

Корхонада реконструкция ишларини 1985 йилда тугатиш мўлжалланган. Планга кўра 39 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Лекин ҳозирги иш суръати бу капитал маблағнинг ўз вақтида ўзлаштирилишига шубҳа туғдирмоқда. Негаки, объектларда қурилиш материалларининг, ишчи кучининг етишмаслиги туфайли бехуда туриб қолиш ҳоллари учрамоқда. Мана, мисолларга мурожаат қиламиз. Йилнинг ўтган биринчи кварталида пардозлаш фабрикасининг маъмурий-маиший корпуси қурилишида 208 киши ишлаши керак бўлса, лекин амалда 190 киши ишлади. Июль ойига келиб қурувчиларнинг сони кескин камайиб кетди. Улар атиги 10 киши қолдилар, холос. Апрель, май, июнь ойларида эса объектлардаги қурувчиларга бирон бир куб метр бетон етказиб берилмади. Белгиланган 300 тонна металл конструкция ўрнига атиги 30 тонна металл-конструкция етказиб берилди. Бунинг оқибатида техника, мавжуд ишчи кучи бехуда туриб қолди. Ҳамда бу цехлар, участкаларнинг план ва социалистик мажбуриятларни бажарилишига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Ўтган кейинги уч ой мобайнида 284 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди, холос. Бизнингча, комбинат реконструкциясида ва қурилаётган объектларда меҳнат қилаётган қурувчилар, «Ташпромстрой»ни н г 3-монтаж бошқармаси, 1-қурилиш-мон т а ж бошқармаси бунёдкорлари суръат отини қамчиламоқдалари лозим.

Ҳали қурувчиларнинг олдида жуда катта вазифалар турибди. 1-йигирув-тўқув, пардозлаш фабрикалари, ип фабрикасининг бўяш цехини тезроқ қуриб, фойдаланишга топириш зарур.

Беш йилликнинг якунловчи йилида комбинатнинг филиалларини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Пойтахтнинг Акмал Икромов, Собир Раҳимов ва Киров районлари территориясида қурилаётган мазкур филиаллар унча катта бўлмаган тўқув фабрикаларига эга бўлади. Ана шу фабрикалар яқин кунларда ишга туширилиши керак. Ҳозирда қурилиш объектларидаги иш суръати қувватларни ишга туширишдан яққол далолат бермоқда. Жумладан, Фарҳод бозори яқинидаги 1-филиалда тўқув цеҳи ишга туширилди. Цехда 460 та янги станок ўрнатилади. Шунингдек, бу ерда маъмуриятнинг уч қаватли корпуси ҳам қад кўтаради. Объектда қурувчилар ўртасида иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, объектни муддатидан илгари топириш учун мусобақа авж оляпти. Қурилиш ишлари қаттиқ назорат остига олинган. «Главташкентстр о йс»нинг 6-трестига қарашли 7-қурилиш бошқармаси коллективи қурувчилари графикка қатъий амал қилган ҳолда ишламоқдалар. Шунингдек, Қорақамиш массивидаги 2-қурилиш филиалида ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган. Бош пудратчи — «Ташпромстрой» трести қурувчилари эски иларни бузиш ва янги корпусларни қуриш ишларини бир йўла олиб боряптилар. Ҳозирда бу ерда ишлаб чиқариш корпуси каркасларини монтаж қилиш ишлари олиб бориляпти.

Лекин комбинатнинг Юнусободдаги 2-филиалида ишлар кўнгилдагидек эмас. Қурувчилар суст ҳаракат қилишяпти. Бош пудратчи Тошкент область колхозлар қурилиши трестининг Ўрта Чирчиқ район механизациялашган қўчма колоннаси қурувчилари эндигина пойдеворини қўйишга улгурдилар, холос. Участка бошлиғи А. Кимнинг гапига қараганда, темир-бетон конструкция л а р и етишмаётир. Ишнинг жадаллаштириш учун булар ниҳоятда зарур.

Шунингдек, маъмурий-маиший корпусни қуриш ишлари ҳам оқсаяпти. Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Промжилводстрой» трестига қарашли 2-механизациялашган қўчма колоннаси, яъни ёрдамчи-пудратчи қозонхона, насос, резервуар ва ёрдамчи биноларни қуриб бериши керак. Объектда апрель ойида иш бошланиб, пейдевор учун чуқурлар қазиб қўйилган. Лекин монтаж ишлари конструкцияла р н и н г етишмаётганлиги туфайли суст кетяпти. Ёрдамчи пудратчиларнинг ваъдаларига қараганда, тез кунларда объектда қурилиш ишлари жадаллаштириб юборилади.

Бир сўз билан айтганда, филиалларнинг ишга туширилиш муддати яқинлашяпти. Бу филиаллар ишга тушгач, кўплаб ип-газлама ишлаб чиқариш имкони туғилади. Бир йилда комбинатнинг уч филиали 25,4 миллион метр газлама ишлаб чиқариши керак. Бу албатта бош корхона планига қўшимча тайёрланади.

Филиаллар қурилиши билан бирга ҳозирда комбинат маъмурияти олдида яна бир муҳим масала кўндаланг бўлиб турибди. Бу ҳам бўлса ишга тушириладиган филиалларни ишчи кадрлар билан таъминлашдир. Бу ерга ўровчилар, калавачилар, зарядловчилар, тўқувчилар, йигирувчилар ва бошқа касбдаги ишчилар жуда-жуда керак. Филиалларда ишчиларнинг нормал ишлашлари учун барча қулайликлар яратиб берилади. Уларга ишга транспорт ажратилади. Коллектив раҳбарлари айниқса ана шу ердаги маҳаллий аҳолидан ишчи кадрлар тайёрлаша катта эътибор беришлари зарур.

Т. ТОШЕВ,

«Тошкент оқшоми» мухбири.

«Ташхимсельмаш» заводи машинасозлари мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларига кўплаб ОВХ типидаги чанглагич-пуркагич мосламаларни кўплаб тайёрлаб жўнатмоқда.

СУРАТДА: корхона йиғув цехининг зарбдор ишчиси ёш коммунист Алексей Михеев. Бу зарбдор ишчи шу кунларда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажаряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

Манзилни яқин этиб

БУГУН

шаҳримиздаги 2-маршрутли такси автомобиль корхонаси шофёрларининг йил бошидан бери ташиган пассажирлар сони 5 миллион 500 минг кишидан ошди. Бу — планда кўзда тутилганидан 170 мингта кўп пассажир манзилга элтиб қўйилди демакдир.

Автомобиль корхонаси коллективи ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширяпти. Ўтган йили учта маршрутдаги ҳайдовчилар бригада пудрати усулида ишлашга ўтган эдилар. Бугунги кунда ҳайдовчиларнинг 40 процента ана шу илғор усулда меҳнат қиляпти. Улар сакизта маршрутга хизмат кўрсатишяпти. Шу йил охиригача яна учта бригада пудрат усулида ишлашга ўтади.

Пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қилиняпти.

Коллектив ўнинчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, КПССнинг XXVI съездини муносиб кутиб олиш мақсадида илгариги мажбуриятида кўзда тутилганидан беш мингта кўп пассажирга хизмат кўрсатишга аҳд қилди. Съезд шарафига бошланган социалистик мусобақада Ф. Тинчеров, А. А. Постников, М. Азизов, В. И. Шанин каби шоферлар пешқадамлик қилиняпти. Ҳозиргача 85 ҳайдовчи беш йиллик шахсий планларини адо этишди.

ТЕХНИКУМ ИШ БОШЛАДИ

Сергелидаги «Спутник» шеҳарчасида тўнғич ўрта ўқув юртининг эшиклари очилди. У республикамиздаги энг кенжа меҳмонхона хўжалиги техникумидир. Янги билим даргоҳининг директори Ҳожимурод Акрамов мухбиримизга бундай деди:

— Республикамизда шу вақтга қадар бундай ўқув юрти йўқ эди. Бу ерда давлат ва идораларга қарашли меҳмонхоналарни бошқарадиган мутахассислар тайёрланади. Дастлабки ўқув йили учун 180 ўқувчи қабул қилинди. Иккинчи ихтисослик корхоналарда ва муассасаларда иш юритувчиликдир.

Техникум бир қаватли бинода жойлашган бўлиб, 20 та синфхонаси бор. Кейинчалик махсус ўқув корпуси, 410 ўринли ошхона қурилади.

Барча кабинетлар, лабораторияларни жиҳозлаш мақсадида ўқув қуроллари сотиб олдик. Спорт зали эса типовой лойиҳа асосида қурилган.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БУГУН—ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КУНГА 35 ЙИЛ ТЎЛДИ

КУРАШ ВА ҒАЛАБАЛАР ЙЎЛИ

(ХАНОИДАН ХАТ)

ВСР пойтахти Ханойга келадиган ҳар бир киши албатта марказий майдон Бадинга ўтади. Бу ерда Вьетнам революциясининг йўлбошчиси Хо Ши Миннинг мавзолейи бор. Ўзининг бутун умрини революцион курашга бағишлаган атоқли марксчи-ленинчи айни шу майдонда бундан 35 йил аввал — 1945 йилнинг 2 сентябрида саксон йилдан кўп мустамлака зулми остида бўлган Вьетнамни эркин мустақил давлат деб эълон қилганди. Чириган мустамлака феодал тузумини революция бўрони супуриб ташлаганди. Шундай қилиб, Жануби-Шарқий Осиёда биринчи ишчи-деҳқон давлати пайдо бўлганди.

Бу ғалаба Хо Ши Мин туғган Коммунистик партиянинг аҳоли кенг табақаларини миллий озодлик учун бирлашган кураш фронтига жипслаштириш борасидаги жуда катта ташкилотчилик фаолиятининг натижаси бўлди. Коммунистларни на турмалар ва отишлар, на қонли террор ва ваҳшиёна азоблашлар бука олди. Вьетнамнинг минг-минглаб шонли ўғил ва қизлари революция учун, келгуси авлодларнинг бахт-саодати учун ҳаётини қурбон қилди.

Революция ғалаба қозонди, аммо Франция мустамлакачилари ёш республикани қурол кучи билан бўғишга уриниб кўрдилар. Вьетнам халқи революция ғалабаларини ҳимоя қилишга отланди. Франция мустамлакачила р и г а қаршилик кўрсатиш уруши саккиз йил давом этди ва Вьетнам халқининг ғалабаси билан тугади.

Аммо империалистик кучларнинг кирдикорлари натижасида мамлакат икки қисмга бўлинган эди. Жанубда янги мустамлакачилик режими ҳукм сурди. Вьетнамнинг шимоли эса тинч социалистик бунёдкорликка киришди.

Ун йил тинчлик меҳнатсевар халқ социалистик ўзгаришлар йўлида дадил қадам ташлашига имкон берди. Шимолда қишлоқ хўжалигини кооперациялаш ниҳоясига етказилди, саноат ва савдо-сотиқда давлат сектори асосий мавқеларни эгаллади, янги социалистик индустрия вужудга келтирилди. Куангнинь кўмир ҳавзасидаги шахта ва карьерлар тикланди ва янгилари қурилди, Вьетнам машинасозлигининг пешқадами, Совет — Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг тўнғич корхонаси бўлмиш Ханой механика заводи ишга тушди. Қисқа муддат ичида шимолда саводсизлик тугатилди, давлат соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, социал таъминот кенг системаларини яратишга катта-катта маблағлар ажратди. Ўнлаб янги олий ва махсус ўрта ўқув юртлари очилди, СССР, бошқа қардош социалистик давлатлар ёш республикага ёрдам беришга киришдилар.

Империалистик кучлар Вьетнамнинг ички ишларига яна аралаша бошладилар. Вашингтон Вьетнам халқига қарши ошкора агрессия бошлади. Америка солдатлари ажал ёғдирдилар, ҳаммаёққа ўт қўйдилар, талончилик қилдилар. АҚШ авиацияси Ханойни, Хайфонни, мамлакат шимолининг бошқа катта-катта саноат марказларини ваҳшиёна бомбардимон қилди. У жафокаш Вьетнам диёрига қариб 8 миллион тонна бомба ташлади. Юзлаб саноат корхоналари, ирригация системалари, мактаблар, касалхоналар вайрон қилинди. Океан ортидаги стратеглар Вьетнам халқини «тош асрига ирқитишга» уриниб кўрдилар.

Президент Хо Ши Миннинг: «Озодлик ва мустақилликдан қиммат-лироқ ҳеч нарса йўқ. Вьетнам —яхлит, Вьетнам миллати ҳам яхлитдир» деган сўзлари ажнабий босқинчиларга қарши отланган миллион-миллион вьетнамликларнинг жанговар шиори бўлиб қолди ва америкалик агрессорлар жуфтакни ростлаб қолишга мажбур бўлдилар. Мамлакат жанубини озод қилиш учун бошланган кураш 1975 йилнинг кўкламида ғалаба билан тугади. Исён кўтарган халқ қўғирчоқ режим ҳукуматини ағдариб ташлади. Сайгон узра озодлик байроғи қилпиради. Вьетнам бирлашган мустақил давлат бўлиб қолди.

Вьетнам Компартиясининг 1976 йил охирида бўлиб ўтган IV съезди бутун мамлакат миқёсида социалистик қурилиш кенг программасини илгари сурди. Бу программа муваффақият билан амалга оширилмоқда. Вьетнамнинг иккинчи беш йиллигида ўнлаб янги саноат корхоналари фойдаланишга топширилди, юзлаб мактаблар ва касалхоналар қурилди. Қишлоқ меҳнаткашлари каттагина тараққиётга эришдилар — ярим миллион гектардан кўп бўз ва қўриқ ерлар ўзлаштирилди, 150 тадан кўпроқ давлат хўжаликлари тузилди. Жанубда юз минглаб кишилар иш билан таъминланди, у ерда янги мустамлакачилик режимининг оғир меросини тугатиш жараёни бормоқда.

Ҳозир Вьетнам Социалистик Республикаси — Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, халқаро социалистик меҳнат тақсимотида актив қатнашмоқда. Социализм мамлакатларининг бутун қардошлик оиласи экономикани ривожлантиришда, социализм моддий-техника базасини бунёд этишда Вьетнам халқига актив ёрдам бермоқда.

Совеглар мамлакати Вьетнам билан мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини боғлаб турибди. Шу йил июль ойи ВСРда Вьетнам билан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида тузилган биринчи битимнинг 25 йиллиги кенг нишонланди. Шу вақт ичида Совет Иттифоқининг ёрдами билан ВСРда 200 га яқин халқ хўжалик объектлари қурилди, яна 70 та катта корхона лойиҳа тузиш ва қурилиш босқичида турибди. Қора дарёда қурилаётган 1,8 миллион киловатт қувватли гидроэнергетика комплекси, «Фалайё» иссиқлик электр станцияси «Бимшон» цемент заводи шулар жумласидандир. СССРнинг олий мактабларида қардош Вьетнам учун 30 мингга яқин олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб берилди.

Аммо Вьетнам халқининг социализмни бунёд этишда эришган ютуқлари, халқаро майдонда ВСР обрўйининг ўсганлиги экспансионизм ва гегемонизм сиёсатини ўтказаётган Пекинни тинч қўймаётир. Пекиндаги раҳбарлар дўқ-пўписа ва ғиғвогарликлар ёрдамида ВСРнинг ўз сиёсатлари этагини тутиб туришига умидвор бўлдилар. Бундай қилиб бўлмагач, улар Вьетнамга қарши тўғридан-тўғри агрессия йўлига ўтдилар. Ўтган йилнинг февралида 600 минг кишилик Хитой армияси Вьетнам территориясига бостириб кирди. Аммо босқинчилар муносиб зарбага учраб, Вьетнам диёридан шармандаларча ҳайдаб чиқарилди.

Лекин Хитойнинг ҳукмрон доиралари Вьетнам ва бошқа Ҳинди-Хитой даватларига нисбатан авантюристик режаларидан ҳали воз кечганлари йўқ. Вьетнам чегарасида Хитой қарбийларининг қуролли ғиғвогарликлари ҳеч тўхтамаётганлиги бунинг далилидир.

— Вьетнам партияси ва ҳукумати изчил тинчликсеварлик йўлини ўтказмоқда, — деди ТАСС мухбири билан суҳбатда ВСР ташқи ишлар министри Нгуен Ко Тхать. Биз ҳамма низоли масалаларни тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш учун курашяпмиз. Аммо зарурат туғилса бутун халқимиз ҳар бир дақиқада Ватаннинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилишга отланишга, унинг озодлиги ва мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини сақлаб қолишга тайёрдир. Мамлакатимиздаги революцион жараённи ҳеч ким тўхтата олмайди, СССР, барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва бирдамлик муносабатларига путур етказа олмайди.

В. ХРЕКОВ.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

АДАН. Яман социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЯСП Марказий Комитетининг секретари Абдулазиз Абдулвали демократик Яманнинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигига юксак баҳо берди. У АИА агентлигининг мухбири билан суҳбатда айтдики, социалистик давлатларнинг ёрдами билан демократик Яман иқтисодий тараққиётнинг кўпгина қийинчиликла р н и н г бартараф этиб, экономикани юксалтириш ишида каттагина муваффақиятларга эришда олди.

СССР бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг орттирган тажрибаси бизга экономиканинг балиқчилик, озиқ-овқат саноати, фойдали қазилмаларни разведка қилиш каби соҳаларини мустаҳкамлаб олишимизда ёрдам берди, деди у.

Иккинчи беш йиллик планимизнинг каттa объектлари — совет мутахассисларининг ёрдами билан Мансур ва Хисвада қурилган иссиқлик электр станцияларининг яқин фурсатда ишга туширилиши, деб давом қилди ЯСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, экономикани ривожлантириш учун мустаҳкам энергетика базасини вужудга келтиришимизда ёрдам беради. Меҳнаткаш омма турмуш даражасини юксалтириш ЯСП иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадидир, деб таъкидлади Абдулазиз Абдулвали. Шу мақсадда мамлакатнинг раҳбарлиги ЯХДРда янги жамият қуриш моддий базаси сифатида экономиканинг давлат секторини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда.

АҲОЛИГА ДАЪВАТ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди мамлакат аҳолисининг кенг табақаларини дарахт ўтказиш умуммиллий кампаниясига актив кўшилишга даъват этди. У ўрмончилик марказий бош бошқармасининг ҳар йили ўтказиладиган конференциясини очиш маросимида нутқ сўзлаб, ҳозирги вақтда одам қўли тегмаган ўрмон массивлари Ҳиндистон территориясининг атиги 10 процентини ташкил этишини эслатиб ўтди.

Дарахтларни назоратсиз кесиш оқибатида ўрмонларнинг йўқ бўлиб бораётганлиги жиддий иқтисодий проблемаларни вужудга келтирмоқда: мамлакатга ҳар йили тахминан 4,5 миллиард рупия зарар келтираётган сув тошқинлари миқёси кенгайиб бормоқда, тупроқ нураши кучаймоқда. Мутахассислар ҳар йили ёғингарчилик мавсумида ернинг унумдор қатламлари билан бирга турли қи матли минерал моддалар ювилиб кетаётганлигини ҳисоблаб чиқдилар. Бундай қимматли минерал моддалар миқдори Ҳиндистонда фойдаланилаётган сунъий ўғитларнинг умумий ҳажмидан кўп. Ҳукумат ўрмон хўжалигидаги аҳволни яхшилаш юзасидан чоралар кўрмоқда. Бу йил давлат қишлоқ жойларда дарахт ўтказиш ишлари программасини амалга ошириш учун 45 миллион рупия маблағ ажратди. Мамлакат аҳолисининг 80 процента ана шу қишлоқ жойларда яшамоқда. Ўрмонларни тиклаш ташаббускорларини мукофотлаш учун миллий мукофот таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Болалар ўқишдан маҳрум

ЖАКАРТА. Индонезиянинг Сурабайя шаҳрида бу йил 50 мингга яқин бола мактабга кириб ўқиш имкониятидан маҳрум бўлди, деб ёзади «Тербит» газетаси расмий маълумотларга таяниб. Ҳар доимгидек мактаб бинолари ва малакали ўқитувчилар етишмаётган мамлакатлар учун бу ҳол характерлидир. Маориф эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағларнинг жуда камлиги бунга сабаб бўлмоқда.



ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИГА БИНОАН.

РУМИНИЯ. Дунайдаги «Жердап» энергетика системаси Руминия, Югославия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги қардошларча ҳамкорлиннинг ёрқин намунасидир.

Ажерпресс—ТАСС фотоси.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номи, ли Тошкент тикувчилик бирлашмасининг цехларида пайдо бўлган катта, ёрқин плакатлар дарҳол ҳамманинг диқ, қатини ўзига жалб этди. Ҳар бир планатга:

Плакатлар ҳикоя қилади

«КПСС XXVI съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз!» деган сўзлар катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган.

Плакатларда тикувчилар коллективи съезд шарафига йиллик пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга — қўшимча равишда 2 мингта эркаклар костюми ва 3 мингта пиджак тиқишга сўз берганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Социалистик мусобақанинг машҳур машъаллари —тикувчи мотористлар Алла Ким ва Полина Новосельцева, лар ана шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бири ҳозирдаёқ иккитадан шахсий беш йиллик планни бажариб қўйишди. Партия комитети ҳузурида ишлаётган агитация комиссияси ана шу пешқадамларнинг иш тажрибаси ўтрисида плакат нашр этишга қарор қилди. Бирлашма партия ташкилоти съезд олди мусобақасига раҳбарлик қилиб, мусобақанинг ошкоралигини кучайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилди. Шу боисдан кўргазмали агитация, нинг кўпгина воситалари янгиланди.

Тикувчилар дарвоза ёнидаги чиройли қилиб безатилган стендларни «Янгиликлар экрани» деб атайдилар. Бу стендларда бутун коллективнинг ҳаёти акс эттирилган.

Меҳнат мусобақаси, нинг кенг кўламда кўрсатиб берилганлиги унинг самарадорлигига ижобий таъсир ўтказ, моқда. Бирлашма коллективи съезд шарафига қабул қилган мажбуриятлари ҳисобига ҳозирдаёқ 150 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

(ЎзТАГ).

Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги олдидан

БУЮК ДОНИШМАНД

ИБН СИНОНИНГ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ

Ибн Синонинг фалсафий мероси аллома ижодининг бошқа соҳаларига қараганда анча сермаҳсул бўлган. Чунки Ибн Сино илм-фаннинг шу соҳасига жуда қаттиқ берилган эди. Буни унинг фалсафий масалаларга бағишланган катта-кичик кўпдан-кўп асарлари рўйхатидан ҳам билиш мумкин.

Чиндан ҳам Ибн Синонинг фалсафий мероси дунё миқёсида энг кўп ва кенг тарқалган асарлардан саналади. Эрон олими Саид Нафисий аллома фалсафий асарларининг 198 тасининг номини келтиради. Яна бунга Ибн Сино билан бошқа олимлар ўртасида бўлган 12 та савол-жавоблари, 23 та хат ва рисолани, 44 та диний мавзуларга бағишлаб ёзилган асарларни, 14 та таълим-тарбия ва ахлоққа оид асарлар номини қўшсак, алломанинг ижтимоий фалсафий мероси салкам уч юзга бориб қолади. Бу саноқ биргина фалсафий масалалар бўйича ёзилган асарлар деб қаралса, бу рақамлар бир мунча муболағали кўринади, чунки бунда учраган бир асар бир неча номлари билан келган бўлиши ҳам мумкин. Аммо қандай бўлишидан қатъий назар, Ибн Сино фалсафа соҳасида кўп асар таълиф қилган.

Ибн Синонинг фалсафий қарашига оид фикрлари унинг бу мавзудаги таълифлари билан бирга бошқа олим ва файласуфлар ўртасида кечган савол-жавоблар ичида ҳам кўплаб топилади. Шу билан бирга, файласуфнинг бошқа шахсларга ёзган рисола, риқъа хатлари, яна турли-туман диний мавзуларда ёзилган асарлар, шарҳ ва тафсирлар унинг дунёқарашини ўрганишга яхши материал бўлиши мумкин. Умуман Ибн Сино умрининг сўнгги ўн беш йили унинг ижодида энг сермаҳсул йиллар бўлди, десак янглишмаган бўламиз. Чунки бу даврда олим илмий ва тажрибий жиҳатдан жуда етилиб, жуда кўп асарлар таълиф қилди. Худди шу даврда унинг кўп жилдлик машҳур энциклопедик асари «аш-Шифо» битказилди, унинг қисқартмаси бўлмиш «ан-Нажот» ёзилди. Худди шу давр орасида илгаритдан ёзиб юрган машҳур асари «Қонун» якунланди. Ийрик фалсафий асари «Донишнома» битилди. Шу билан бирга, у фалсафага оид жуда кўп саволларга жавоб тариқасида асарлар ёзди.

Ибн Синонинг фалсафий асарларининг энг йириги «аш-Шифо» бўлиб, бу асар 22 асарни ўзида жамлаган китоблар мажмуасидир. Бунда ўнга яқин китоб фалсафа, мантиққа оиддир. Ибн Сино китобнинг сўнгги қисмини «Илоҳиёт» деб атайди. Бунда у борлиқ, мавжудотга оид ўз қарашларини баён этган.

Аллома Ибн Сино аслида йирик мантиқшунос бўлган, у ёшлик чоғиданоқ мантиқ илмини чуқур ўрганган, чунки китоблари орқали Абу Алига устоз саналган Абу Наср Форобий ҳам, бular иккаловига асарлари билан таъсир этган Аристотель ҳам мантиқ фанини чуқур билган зотлар саналар эди.

Ибн Сино «аш-Шифо»дан кейин яна бир қанча йирик фалсафий асарлар таълиф қилган. Булардан бири «ан-Нажот» асаридир. Ибн Сино бу асарини «аш-Шифо»нинг қисқартмаси деб эълон қилган. У кўп жилдлик «аш-Шифо»да келтирилган масалаларни қисқа-қисқа баён этади, унда қўйилган масалаларни ихчамлаб берган.

«Ан-Нажот» ҳам тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда мантиқ, ҳикмати табииёт, ҳикмати илоҳиёт, риёзиёт — математика каби бўлимлар мавжуд. Бундан ташқари, Ибн Сино фалсафага оид «Донишнома» деган китоб ҳам ёзади. Ибн Синонинг бу асари рус тилига таржима қилинган.

Ал-Жузжоний ўз хотираларида Ибн Синонинг қаттиқ ишга берилганлиги борасида гапириб, унинг Исфаҳонда «Китоб ал-Алоий» деган асарини ёзиб тугатганини қайд этади. Бу асар форсий-дарий тилида ёзилган. Бу асар мутолаачиси «аш-Шифо» ва «ан-Нажот»дан бошқа-бошқа эканлигини назарда тутиб, «Донишнома» китобига фалсафа мавзуига нирган барча масалаларни баён этишга ҳаракат қилган. Бу асарнинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, Шарқшунослик институти китоб фондида мавжуд.

Ибн Синонинг «аш-Шифо»сига кирган ва бу хусусда йирик саналган фалсафий асарларидан бири «ал-Илоҳиёт» — «Метафизика» китобидир. Асар ўн мақола ва олтмиш бир фаслдан иборат. Ибн Синонинг бу асарига Аристотелнинг «Метафизика» асари асос бўлган.

Ибн Сино ҳар бир фанга доир ёзилган асарида шу фаннинг олдига қўйилган мақсадлари, бу фанни ўрганишдан инсонга бўлган манфаатларига тўхтайди. Бу асарида ҳам аллома масалани шу тарзда қўяди.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Аристотелнинг «Метафизика» асарини қирқ бор ўқиганда ҳам тушуна олмаганини ва унга тасодифан Форобий ёзган шарҳлари тўғри келгачгина уни ўқиб мазмунига тушунганини ёзган эди. Демак, Ибн Сино жуда ёшлигидан фалсафий масалага қизиққан ва келажакда бундай асар ёзиши ҳам бежиз бўлмаган, албатта.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида Ибн Синонинг «аш-Шифо» китобидан «ан-Илоҳиёт» қисми мавжуд. Бу қўлёзма араб тилида, 1076 ҳижрийда (1666 милодийда) Ибн Фаттоҳ Ҳасан ат-Табризий деган котиб қўли билан кўчирилган. Қўлёзма 155 варақдан, ҳар бети 22 қатордан иборат. Тошкент нусхаси яхши сақланган, ҳар мақола, баъзан фасллар ҳам қизил саёҳда ажратиб ёзилган. Бу нусхада келтирилишича, фалсафа фанининг мавзуи, фойдаси, мавжудот ва унинг бўлаклари, субстанция ва унинг қисмлари, тўқиз категория, бир билан кўп масаласи ва унинг чегараси, миқдор масаласи, аввал, кейин, тўла ва нотўлалик масаласи, бутун билан бўлаклар орасидаги тафовут, нарсалар ва уларнинг мавжудлиги масаласи, умумий билан хусусийлик ўртасидаги фарқ, жинс, нав, таъриф турлари, сабаблар ва уларнинг қисмлари, биринчи бошланма ва уни билиш йўллари, мутлақо биринчи сабаб ва унинг бошқа нарсалар пайдо бўлишига сабаблиги, нафс масаласи ва унинг турлари, ақл масаласи, мабда ва маод (бошланма ва қайтиш) каби масалалар, давлат, шаҳарни бошқариш масаласи, никоҳ, умумий қонун-қоидалар, давлат идора қилувчилар ўрни, сиёсат ва ахлоққа оид масалалар баён этилган.

Ибн Синонинг фалсафага оид йирик асарларидан яна бири «Китоб ал-ишорот фи-л-мантиқ ва-л-ҳикмат» — «Мантиқ ва фалсафа ҳақида кўрсатмалар» асаридир.

Ибн Синонинг «ал-Ишорот» асари муаллифи умрининг энг сўнгги йилларида ёзилган. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари кенг тарқалган кўринади. Шарқшунослик институтида бу асарнинг 1340 йилда кўчирилган ажойиб нусхаси бор. Худди шу нусхадан олтмишинчи йилларда Юнусхон Ҳакимжонов хати билан кўчирилган нусха ҳам шу фондда сақланади. Бу асар ҳам аслида уч қисмдан: мантиқ, табииёт ва метафизикадан иборат. Бундаги қисмларда ҳам Ибн Сино ўзининг шу хусусдаги асарларини бошқача йўсинда қайтаради; чунончи дастлаб мантиқнинг фойдаси, бешта умумий тушунча, мантиқда жумлалар ва улар турлари, унда жумланинг тасдиқ этилиши ва этилмаслиги масаласи, қиёслар ва улар турлари, жисмлар, замон ва макон, бошланма, саодат, орифлар даражаси каби мавжуд мавзулар баён этилади.

Бу асарга аллома Насируддин ат-Тусий (вафоти 1273) ва Фахруддин ар-Розий (вафоти 1209)лар атрофлича шарҳ ёзишган ва уларнинг бу асарлари қўлёзма ва босма нусхалари кенг тарқалган. Бу шарҳлар «Ҳалл мушкилот ал-ишорот» ёки «Шаҳ ал-ишорот» номлари билан машҳур.

Ибн Синонинг фалсафага оид ҳажми катта ва кичик жуда кўп асарлари — рисола ва саволларга ёзилган жавоблар тариқасида битилган таълифлари бор. Чунончи, «Ҳикмат чашмаларидан бўлган табииёт», «Осмон жисмлари ҳақида», «Инсоний қувватлар ва унинг идроки», «Фалсафий терминларга таърифлар», «Ақлий илмлар қисмлари», «Бахт-саодат ҳақида», «Мавжудотнинг бўлиниши ҳақида рисола» деган асари ҳам бор. Бу сўнгги асарнинг бир қўлёзма нусхаси Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб фондида мавжуд. Бу асар ўзбек ва рус тилларига таржима қилинган. Яна Ибн Синонинг Тошкентда, Шарқшунослик институтида «Тафсир китоб «услужиё» мин ал-ансоф» («Услужиё» китобига ёзилган тафсир») деган асари сақланади. Бу асар шарқшунос олим Содиқ Мирзаевнинг айтишича, Аристотелнинг ҳамма асарларини шарҳ қилган Ибн Синонинг «Ансоф» номли китобидан бир қисмидир. Бунда Ибн Сино фикри билан Аристотелнинг илоҳиёт масаласига қараши бир-биридан қанчалик фарқ қилишини кўрсатишга яхши материал бўла олади. Яна Ибн Синонинг фалсафий асарлар туркумига кирадиган Тошкентда, Шарқшунослик институти фондида сақланадиган асарларидан бири «Ақллар ҳақида рисола». Нафсни покиза тутиш ҳақида рисола», «Нафс аҳволи ҳақида», «Нафсонинг баҳслар» ҳам киради. Бу сўнгги рисолани Ибн Сино ўз вақтида сомонийлар амири Нуҳ ибн Мансур (976—997) сомонийга бағишлаб ёзган, у «Ҳадият ар-раис» номи билан маълум бўлган. Асар муқаддимасида амир Нуҳ ибн Мансурга бағишланган сатрлар бор. Китоб ўн фаслдан иборат. Бу асар алломанинг дастлаб ёзган фалсафий асарларидандир. Чунки бу асар бағишланган амир 997 йили вафот этган. Муаллиф дебочасида амирга узоқ умрлар кўришини тилагани, тангри уни ёмон кўзлардан асрашини исташи кабилар бу асарни амирнинг ҳаётлик вақтида ёзилганлигига гувоҳлик беради. Демак, Ибн Сино ўн етти ёшигача ҳам фалсафий асар ёзган экан.

Ибн Синонинг бу хил фалсафий асарлар қаторига унинг «Гаҳрувчи нотиқа нафс ва унинг аҳволини билиш ҳақида рисола», «Нотиқа нафс ҳақида бир неча сўз» рисолалари киради. Шунингдек унинг бу соҳадаги асарлари қаторига «ал-Масоил ал-маъдуда» («Саноқли, яъни бир неча масалалар»), «Категориялар ҳақида Бағдод олимларига юборилган рисола» каби асарларини ҳам киритиш мумкин.

Ибн Сино фалсафий қарашларига оид бўлган асарлари Тошкентда, Шарқшунослик институти фондида сақланадиган унинг замондошлари билан олиб борган ёзишмаларида ҳам акс этган. Бу хил ёзилган жуда кўп хат ва рисолаларнинг бир қисми Шарқшунослик институти фондида, қолганлари эса дунёнинг турли чеккаларида сақланади, уларнинг бир қисми нашр ҳам этилган. Ибн Сино буларда ўз даври тақозо этган кўп масалаларга муносабатини билдирган. Уларнинг бири «Аристотелнинг «Осмон ҳақида»ги китобига доир Берунийнинг ўнта саволи ва унга Ибн Синонинг жавоби»дир.

Булардан ташқари, яна бу хил асарларга Абу Саъд ибн Абулхайр (вафоти 1049), Бахманёр саволларига ёзилган жавоблар, Ибн Синодан сўралган ўн саволга унинг жавоби, «Маданнат ас-саломия» («Бағдодга ёзилган жавоб») каби асарларини киритиш мумкин.

Ибн Сино ахлоқ масаласига ҳам анчамунча асарлар бағишлаган, баъзи асарларда эса бу хусусда тўхтаб ўтиб, фикрлар баён этган. Бу хил асарларга Ибн Синонинг «Ахлоққа оид рисола», «Бурч ҳақида рисола», «Турар жойни бошқариш чоралари» («Тадбир ал-манозил» ё «Тадобир манзил»), «Нафсни покизда», «Баданни бошқариш» («Сиёсат ал-бадан»), «Ансоф-адолат китоби», «Саховат ва жиноят» каби асарларини ҳам киритиш мумкин. Ибн Синонинг ахлоқ масаласига унинг «аш-Шифо»сидаги баъзи бир бўлимларни, «ал-Илоҳиёт»нинг сўнгги фасларини ҳам қўшиш мумкин. Алломанинг ўзи ахлоққа оид асарларини «амалий ҳикмат» деб атаган. Булардан ташқари, Ибн Сино бу тўғрида ўзининг «Тиб қонунлари», «Тиббий достон» (уржуза), «Ҳайй ибн Яқзон», «Қуш рисоласи», «Ҳикмат чашмалари» каби ва бошқа асарларида ҳам тўхтаб ўтган.

Ибн Синонинг фалсафа соҳасида ёзган бу хил ранг-баранг асарлари унинг улкан ва файласуф эканлигига далолат қилади.

ТАРЖИМАИ ҲОЛДАН ЛАВҲАЛАР

Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда унинг ўзи ва содиқ шогирди Абу Убайд Абдувоҳид ал-Жузжоний ёзиб қолдирган таржимаи ҳол алоҳида аҳамият касб этади. Қуйида азиз оқшомхонга шу таржимаи ҳолдан айрим қисмларни ҳавола этамиз.

Отам асли балхлик эди. Нуҳ ибн Мансур замонида у ердан Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Хурмайсан деган қишлоқда маъмурий ишларга бошчилик қилган. Хурмайсан Бухорининг энг йирик қишлоқларидан саналар эди. Унинг яқинида Афшана деган бир қишлоқ ҳам бор. Отам ўша қишлоқдан онамга уйланиб шу ерда туриб қолади. Мен шу ерда туғилганман, кейин укам туғилди.

* * *

Отам мени ҳинд ҳисобини биладиган бир резоворфурушга юборга бошлади, мен ундан ҳинд ҳисобини ўрганардим. Кейин Бухорога Абу Абдуллоҳ Нотилий келиб қолди, у кишининг файласуфлик даъвоси бор эди. Менга таълим беради, деган умидда отам у кишини уйимизга кўчириб келди. Унинг келишидан олдин ҳам мен фиқҳ (Ислом ҳуқуқшунослиги) билан шуғулланиб, бу хусусда Исмоил Зоҳид деган кишининг ҳузурига қатнаб юрар эдим.

* * *

Мен учун илм эшиклари очила бошлади. Кейин тиб илми билан шуғулланишга майл этдим ва унга оид китобларни ўқишга тушдим. Тиб илми қийин илмлардан эмас, шу сабабли қисқа муддат ичида бу фанда жуда илгорлаб кетдим, энди қатто билимдон табиблар ҳам келиб ҳузуримда, тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим ва шу йўсинда орттирган тажрибаларим натижасида муолажа эшиклари менга шу қадар кенг очилиб кетдики, уни таърифлаб бериш қийин.

* * *

...Бухорининг подшоҳи Нуҳ ибн Мансур эди. Иттифоқо у бир касалликка дучор бўлиб, табиблар у ҳақда бир фикрга келиша олмабдилар. Кўп ўқийдиганлигим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган эди. Подшоҳ ҳузурида менинг ҳақимда гапириб, ундан мени чақиртиришни сўрашибди. Мен бориб табиблар билан биргаликда шоҳни даволашда иштирок этдим ва шу орқада унга танилдим.

Бир куни шоҳдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрадим. Шоҳ менга рухсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фиқҳга оид асарлар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада маълум бир фанга оид китоблар тўпланган эди. Кейин биздан олдин ўтган олимлар китобларни рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик хатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам ларни бундан аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим. Шу билан ҳар бир муаллифнинг илмдаги даражасини билиб олдим.

* * *

Мен улуғ бўлганимда кенг шаҳар ҳам сиғдиролмай қолди. Қийматим ошганида ҳаридорсиз қолдим.

* * *

...Кунлардан бир кун аср вақтида китобфурушларнинг олдига бориб қолдим. Унда бир даллол муқоваланган китобни қўлида тутганича уни мақтарди. Уни менга ҳам кўрсатди. Мен бу илмдан фойда йўқ, деган хаёлда унга қиё боқким ҳам келмай, рад қилдим. Даллол менга: «Бу китобни сотиб ол, нархи арзон — уч дирҳамга бераман, эгаси пулга муҳтож», деди. Мен китобни сотиб олдим. Қарасам, бу Абу Наср Форобийнинг ўша «Мо баъда ат-табиа» китоби мақсадлари ҳақида ёзган асари экан. Уйга қайтиб, тезда уни ўқишга киришдим. Китоб дилимда ёд ўлиб қолгани сабабли унинг мақсадлари менга дарҳол аён бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим ва тангри таоллога шукр айтиб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча нарса садақа қилдим.

Бунн Абу Али ибн Сино шогирди Абу Убайд ал-Жузжоний ҳикоя қилиб ёзиб кетган эди. Воқеа аслида шундай:

Шероз шаҳри олимлари Абу Али ибн Синонинг «Мантиқнинг қисқачаси» деган китобини ўқиб кўп масалаларни тушунишмабди. Бу китоб кейинчалик Аабу Али ибн Синонинг «ан-Нажот» деган асарининг биринчи қисмига киритилган эди. Буни тушуна олмаганлар орасида Шероз шаҳри қозиси ҳам бўлган экан. Улар бир-бири билан тортишиб, ниҳоят бу китобни ёзган Абу Али ибн Синоға хат ёзишмоқчи бўлишибди. Лекин булар Шероз шаҳарида, Абу Али бўлса шу пайтда Исфаҳон деган шаҳарда яшаб турган экан. Ора узоқ, уларнинг боши қотиб турганда:

— Эй тўхтанглар,— дебди Шероз қозиси.

— У ерда мантиқшунос Иброҳим Дайламийнинг бир дўсти бор, Абулқосим Кирмоний деган, бир неча йил бурун Шероздa ҳам бўлган эди, суҳбати ширин, кўп закий одам. Хатни шу кишига йўллаймиз, у киши Шайх Абу Алига элтиб бериши мумкин, шу билан жавоб келади.

Қозининг гапи ўтирганларга маъқул тушди. Кейин у ўтириб Абулқосимга хат ёзди, юборaётган саволлларнинг ҳаммасини шайхга йўллаши зарурлигини ҳамда у кишидан бу саволларга жавоб ёздириб олиб Шероза юбортиришни у кишидан илтимос қилди. Шундан сўнг чопар билан хат ва саволлар Исфаҳонга жўнатилди.

Хат Исфаҳонда Абулқосимга етгач, ундаги саволларни олганича тўғри Шайх Абу Алига элтиб берди.

Саратон пайтлари эди. Жазирама иссиқ, ҳаммани ўз тапти билан жонсарак қилган офтоб ғарб томонга оққан, аср вақти бўлганидан иссиқ анчагина сусайган пайт эди.

Абулқосим шайх турган ҳужрага кириб келди. Шайх таълиф ишлари билан банд бўлиб, алланималарни ёзиб ўтирган экан. У қўлидаги қалами учини довот идишига тираб қўйди-да, ўрнидан туриб Кирмоний билан кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашилгач, Кирмоний дарҳол мақсадни баён қилиб, ўзига йўлланган хат билан Абу Алига юборилган саволларни тутқазди.

Шайх дастлаб хатни ўқиб кўрди-да, кейин уни Абулқосимга қайтариб берди. Абулқосим Кирмоний уни олиб буклаб, киссасига солиб олди. Шайх бўлса қоғозда ёзилган саволларни аввал бирма-бир ўқиб кўрди, шу жараёнда саволлар ойнигаича қолди. Кейин уларни олдига қўйиб олиб, хаёл сурар, ҳар замон-ҳар замонда саволларга қараб-қараб қўярди.

Ҳужрада ўтирган шогирдлар ўз қолича бир-бири билан гаплашиб ўтирар. Абулқосим бўлса шайх Абу Али ёнида ўтирганича гоҳ шайхга, гоҳ гаплашиб ўтирган шогирдларга назар ташлаб жимгина ўтирарди.

Шунда шайх Абу Али ёнида ўтирган Абулқосимга қараб:

— Бўпти, биродар, жавоб ҳозир бўлса, дарҳол юбортираман, — деди.

— Илтимос, зудроқ бўлса, — деди Кирмоний, — карвондан қолмаса, чопар мунтазир.

— Жоним билан, — деди Абу Али.

Шундан сўнг Абулқосим фотиҳа ўқиб, туриб кетди. Шайх шогирдларига бир неча тўп оқ қоғоз келтиришни буюрди.

Шунда шайх шогирди Абу Убайд Абдулвоҳид ал-Жузжоний дарҳол беш тўп қоғоз келтириб, шайх олдига қўйди. Ҳар тўп қоғоз ўн варақдан иборат, унинг ҳар бири ҳажми эса ўша маҳалги қиёс-чорак фиръавнийдан келарди.

Бу пайт қош қорайган, қоғоздаги хатларни ҳам кўриб бўлмас эди. Шайхга шам ёқиб беришди, у саволларга яна бир назар ташлади-да, шароб келтиришни буюрди. Абу Убайд дарҳол шароб келтирди. Шайх қадаҳига ундан қуйуб, ўзлари ҳуфтон намози ўқишга тушишди. Намоздан сўнг Абу Убайд билан укаси Маҳмудни ёнига ўтқазиб:

— Шаробдан ичинглар, — деди. У шундай деди-ю, саволларга жавоб ёзишга тушди. Шайх ўтирган жойида жимгина ёзар, аҳёнаҳёнда бир қултум шароб ичиб қўяр, сўнг яна ёзишда давом этарди. Абу Убайд билан Маҳмуд иккови шароб ичиб суҳбатлашиб ўтиришди, шайх ҳамон ёзар, агар у ёзишга тушса, ҳеч тўхтаб дам олмас, нафас ростламас эди. У шу тариқа жавоб ёзиб вақтни ярим кеча қилди. Шайх ёнида ўтирган Абу Убайд билан Маҳмуднинг кўзлари қисилиб уйқу элта бошлади. Буни пайқаган Абу Али уларга:

— Энди сизлар ухлаб дам олинглар, — деди ва ўзи бўлса ҳамон ёзишда давом этарди.

Абу Убайд билан Маҳмуд иккаласи бошка-бошқа уй, ҳужраларда туришар эди. Улар шу билан уй-уйларига тарқалишди. Шайх эса ўз ҳужрасида қолиб, шерозлик олимлар саволларига жавоб ёзишга тушди...

Аэон палласи эди. Абу Убайд эшиги тақиллади. Очса шайх Абу Али уни чақиртириб юборибди.

Абу Убайд ҳужрага кириб келса, шайх жойнамоз устида ўтирган эди. Унинг олдида ўша ўзи келтириб қўйган беш тўп қоғознинг ҳаммаси энч ёзилган шайх ёзувлари билан тўлган, жавоб ҳозир бўлган экан.

— Мана буларни олгинда, тартиб билан қўйиб, Абулқосим Кирмонийга жўнат, — деди Абу Али. — Унга яна айтиб қўй, чопар йўлдан қолмасин деб саволларга шошилиб жавоб ёздим, шунинг учун қисқароқ бўлди.

Абу Убайд жавобни Абулқосимга келтирганида варақларга энч ёзилган шайх ёзувлари, қоғозларига қараб у даҳшатга тушди, дарҳол ўтириб шерозликларга ҳат ёзди ва шайх жавобини қай тариқа олганларини батафсил ёзди. Шу билан уларни шайх ёзган жавоб суръати ҳақида ҳабардор қилди. Кейин хат ва жавобни Шерозга кетаётган чопарга бериб жўнатиб юборди.

Абу Убайд бўлса шерозликлар орқали кўпчиликка маълум бўлган бу воқеани битиб, шайх Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолига тирноқ қўйди.

ОРОМСИЗ ТУН

(ҲИКОЯТ)

• ШОГИРДИ ХОТИРАЛАРИДАН

«Саҳродан топилган китоб»

Кунлардан бир куни Шайх амир ҳузурида ўлтирар эди, шунда Абу Мансур ал-Жаббон ҳам бор эди. Тилга оид бир масала устида гап кетди ва Шайх бу ҳақда ўз мулоҳазасини айтди. Абу Мансур Шайхга ўгирилиб қараган-да, шундай деди: «Ҳақиқатан ҳам сен файласуф ва ҳакимсен, лекин тил илмини чуқур ўқимагансан шунинг учун сенинг бу ҳақдаги гапларинг қоникторли эмас».

Шайхга бу гап оғир ботди. Уч йил давомида у тилга оид китобларни мутолаа қилди. Хуросондан Абу Мансур ал-Азҳарийнинг таснифларидан бўлмиш «Таҳзиб ал-луға» («Тилни тозалаш») китобини ҳам сўратириб олди. Бу орада Шайх тил билимида шундай юксак даражага эришдики, бу камдан-кам одамга муяссар бўлади. Ўша пайтда учта қасида ёзди ва буларда кам ишлатиладиган, нодир сўзларни ишлатди. Кейин яна учта китоб ёзди: буларнинг бирини Ибн ал-Амид усулида, иккинчисини ас-Собий услубида, учинчисини эса ас-Соҳиб услубида яратди. Шайх бу китобларни муковалашни ва жилдига эскирган туси беришни буюрди. Кейин шу тариқа муқоваланган китобни амирга бериб, уни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатишни ва шундай дейишни илтимос қилди: «Биз бу китобни овга чиққан пайтимизда саҳродан топиб олдик. Буни кўриб ичида нима ёзилганини бизга айтиб бергин».

Абу Мансур (китобни кўриб чиқди, лекин унда (ёзилганларнинг) кўпини тушуниш унга мушкул бўлди. Шунда Шайх унга қараб:

«Бу китобдаги сен тушунолмаётган нарсалар луғат китобларининг фалон жойида айтиб ўтилган», дейди ва Абу Мансурга тилга оид жуда кўп машҳур китобларни эслатдики, ўзи ўша қийин сўзларни шу китоблардан эслаб қолган эди. Абу Мансур ўшанда тил борасида ўнчалик пишиқ бўлмаган гапларни айтиб, яхши қилмаган. Абу Али бу рисолалар Шайхнинг ўз тансифларидан эканини ва у буларни ўша кунги чеккан ҳижолатига жавобан ёзганини фаҳмлади.

Абу Убайд ал-ЖУЗЖОНИЙ.



СУРАТДА: «Тиб қонунлари»нинг Андижон шаҳрида топилган тўлиқ қўлёзма нусхасининг 130-б вараги. Қўлёзма 1307-йилда кўчирилган.

УЙҚУ МЕЪЁРИ

Тиним бериб уйқу этса бехаракат,
Қуввайи нафс, қуввайи ҳис топар роҳат.
Қиздираги уйқу бадан ичин мудом,
Билсанг уйқу сеннг учун ҳазми таом.
Қўпайтирсанг гар уйқуни ҳаддан нари,
Хилтлар билан тўлур мия қорнлари.

∴ ∴ ∴

Кўп ухлашлик йнғар танда рутубатни,
Ўчиради ҳаёт бергар ҳароратни.

∴ ∴ ∴

Бодорлик ҳам маромида бўлса агар,
Таъбинг хушу, ўзинг тетиксан муқаррар.

∴ ∴ ∴

Уйқу кучни тиклаб берур ишлаш учун,
Чиқиндидан тозалатар бадан ичин.

∴ ∴ ∴

Кам ухласанг уйқусизлик пайдо бўлур,
Ғашдир дилинг, нотинч ўзинг, бўлмас сурур.

∴ ∴ ∴

Руҳнинг тушур, таъбинг хира, кам уйқудан,
Сўлғун бўлиб рангинг бузуқ, озғай бадан.
Кўз киртаяр, ҳазминг бузар оз ухласанг,
Фикр ишламас, жисмнинг нурар, бошинг гаранг.

∴ ∴ ∴

Овқат ҳазм бўлмаганда ухла узоқ,
Кекирнгинг сассиқ келса ундан йироқ.

∴ ∴ ∴

Кўп чўзилса оч қорнинга агар уйқу,
Бошга ғрар аста-секин ахлат буғи.
Бир нарсага сулвиб ёт егач таом,
Токи овқат ҳазм ернга тушсин тамом.

ТИББИЙ НАСИҲАТЛАР

⊙ Билгилки, нон ҳазм бўлмаса, зарари кўпдир, ҳазм бўлмаган гўштнинг зарари ундан камроқдир.

⊙ Агар сув илик бўлса, кўнгилни айнатади, ундан иссиқроқ бўлса ва уни оч қорнга ичилса, кўпинча меъдани ювади ва ични бўшатиб юб ради, лекин уни кўп ичиш ёмон, чунки меъда қувватини бўшаштиради.

⊙ Балик гўшти ўз табиати жиҳатидан совуқ бўлса ҳам, тузланса қаттиқ қиздирадиган бўлади.

⊙ Кўп таом ейиш жавҳарда ортиқча бўлган овқатдан фойдаланишни қамайтиради, майда тошиклярда тиқилмалар пайдо қилади, табиий қувватларни сусайтиради. Иситмалар, турли сасишлар... никриз ва бўғин оғриқларини келтириб чиқаради.

⊙ Бухорода содир бўлган оғир қахатчиликдан чиққач, у ерда нон ва гўшт топиш имконияти бўлмаганидан, овқат ўрнига ўтларни истеъмол қилган эдилар, арзон нон ва гўшт топганларида бирданига кўп еб ўлдилар. Кўпчиликка аста-секин, кам-кам овқат истеъмол қилишни маслаҳат берган эдим, соғ қолдилар.

⊙ Доимо ухлаш олдидан тишларни ёғлаб туриш керак.

⊙ Овқат ҳазм бўлмаслик натижасида бўладиган, шунингдек қусиш билан бирга, давом қиладиган ич кетишдан беҳушликка учраган кишига ҳаммом мувофиқ келади.

⊙ Кўз нурни кўрса, нафс севинади, коронғуликка у сиқилади, чунки ёруғлик нафсни ташувчи уловга ўхшаш бўлиб, қоронғулик унинг зиддидир.

⊙ Ҳакимлар қувват билан ҳақиқий истеъдод орасини нозик бир суратда айирганлар: қувват икки зидда баробар суратда бўлади, истеъдод эса икки зидда баробар суратда бўлмайди. Масалан, ҳар бир инсон севинишга ва хафа бўлишга қодир, лекин инсонларнинг баъзиси фақат хурсандчилик учун, баъзилари фақат хафалик учун, истеъдодли бўладилар.

Ғазаб, хафа ва бошқа таъсирланишлар ҳақида ҳам ҳукм шундайдир.

⊙ Хурсандлик бир турли лаззатдир.

⊙ Бирон нарса ўз ўзидан бошқа ҳолга ўтмайди.

⊙ Бирон нарсани истеъдодли бўлганга энг кучсиз сабаб ҳам етарли бўлади. Масалан, олтингугуртнинг ёнишига (истеъдоди шундай), у жуда оз олов билан ёнади, ҳолбуки, ўтин унга икки баробар олов билан ҳам ёнмайди.

(Ушбу саҳифадаги материаллар муаллифи, таржимони ва тайёрловчиси

Абдусоҳиб ИРИСОВ.

СПОРТ—БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ

• КИМКИ ЮРСА ПИЁДА...

Инсон организмининг ҳамроҳи

Савдо ходими Иван Гаврилович 42 ёшда касалхонамизга нафас қисиш хасталиги билан даволанишга келди. Маълум бўлишича уни 7 —8 йилдан бери шу касаллик қийнаб келаркан.

— Таом масалалари қандай?— сўрадик ундан.

— Яхши, мен шўрва, енгил овқатлар билан чиқишолмайман. Егли, қувватли овқатларни хуш кўраман. Бир вақтда «Салом» чойхонасида 50 дона кабобни ҳазиллашиб еб қўйганимда ҳатто кабобпазнинг ҳам эсхонаси тескари бўлиб кетган.

— Мусаллас истеъмол қиласизми?

— Енгил «ичимлик»ларни хушламайман, буни ҳамкасбларим, ҳатто оила аъзоларим ҳам яхши билишади. Гапнинг қисқаси, «Русская водка»ни маъқул кўраман.

— Спорт, яъни жисмоний меҳнат ҳамда бадан тарбия билан шуғулланиб турасизми?

— Бу нима дейман, ўртоқ врач, мен билан ҳазиллашяпсизми? Қўл остимда қанчадан-қанча одамлар ишлайди, бундан ташқари жисмоний ишни бажаришга вақтим йўқ. Бундай машқни хуш кўрмайман. Бадан тарбия билан мактабда шуғулланганман, етар. Мана, оғирлигим 113 килограммдан ортай деб турибди, бу етилиш эмасми?

Биз Иван Гаврилович билан бўлган мунозарага якун ясаб, унинг юрак ва нафас аъзоларини янги аппаратларда текширдик. Беморда нафас қисиш хасталиги юракни ёғ қоплаб қолиш оқибатидан рўй берганлигини аниқладик.

Дарахт илдизи, одам юраги билан мустаҳкам, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатдан ҳам, бақувват соғлом юрак саломатлик, узоқ умр кўриш гаровидир. Юракдек меҳнаткаш, чарчоқ нималигини билмайдиган бошқа бирор аъзо йўқ танамизда. Юрак ва қон томирлар танамизнинг барча аъзолари ва тўқималарини қон билан таъминлаб турувчи бутун бир системани ташкил қилади. Баданда қоннинг айланиб юришини юрак тартибга солиб туради. Соғлом одамнинг юраги шароит ўзгариши билан тезда ўз вазифасини ўзгартиради. Киши организми ва тўқималарининг кислородга талаби кам бўлган вақтда юрак минутига 4 —5 литр қон чиқариб туради. Агар одам ҳаракат қилиб, жисмоний иш билан шуғулланса, шу заҳотиёқ тана тўқималарининг кислородга ва озуқа моддаларга бўлган талаби ортади.

Чинакамига ёғ олиб қолган юрак организмни нормал яшашига имкон берадими? Йўқ, албатта. Ёғ олиб қолган юрак организмни қон, кислород ва бошқа моддалар билан таъмин қилиш у ёқда турсин, ўз эҳтиёжини ҳам қондиролмайди. Чунки юрак тўқималарининг орасига жойлашиб олган ёғ моддалари мушакларни нормал ишлашига халақит беради. Қорин чарвиси катталашиб юракни кўтариб қўяди, у горизонтал ҳолатда ишлашга мажбур бўлади.

Маълумки, юрак никита юзик қон томирлар орқали озиқланади. Бу томирларнинг атеросклероз билан оғриши уларнинг торайиб қолишига сабаб бўлади. Торайиб қолган томирлардан қон юрак мушакларига етарлича бормайди, натижада баъзи одамларда нафас қисиш хасталиги ривожланса, бошқаларида стенокардия ривожланади. Шунга биноан нафас қисиши каби хасталик билан оғримаслик учун қандай шарт-шароитларга эътибор бериш керак? Бундай шароитлардан бири— мароқли меҳнат, иккинчиси —нормал овқатланиш, учинчиси —биродарларга муомала, тўртинчиси — спорт.

Кўпчилик чарчаб қолишдан қўрқади. Дарҳақиқат, чарчаш хавфлими? Йўқ, албатта. «Агар муитазам равишда бадан тарбия машқлари билан шуғулланилса, дори-дармонларни истеъмол қилишга эҳтиёж қолмас эди» деган эди Абу Али ибн Сино.

Одамлар навқиронликни, бардамлик ва куч-қувватни ижоби борича умр бўйи сақлашни, эрта қаримасликни жуда қадим замонлардан бери орзу қилиб келадилар.

Маълумки, куни билан бажарилган ақлий ва жисмоний меҳнатдан кейин киши ўзини ҳорғин сезади. Унинг фикрлаш ва тафаккур қилиш қобилияти пасаяди. Абу Али ибн Сино ҳамда улуғ рус физиологлари И. М. Сеченов, А. А. Ухтомский, И. П. Павлов, Л. А. Арбелиларнинг берган маълумотларига қараганда, ҳориш организмда бир мувозанатда бораётган физиологик жараёнларнинг бузилиши демакдир. Чунки ақлий ёҳуд жисмоний меҳнатдан сўнг биринчи навбатда бош миянпўстлоғининг ҳужайралари чарчайди.

Кўп кишилар ҳорғинлик жисмоний меҳнатдан кейин кишини безовта қилади десалар, бошқалари эса ақлий меҳнатдан сўнг, дейдилар. Баъзиларнинг, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнатдан кескин фарқлаб бўлмайди.

Илм-фан ва техника ўсиб бораётган ҳозирги пайтда жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат асосий-эмоционал фикрлаш билан алмашиб боряпти. Меҳнат гигиенасининг қоиқарли бўлмаслиги, яъни иш хоналари ҳавосини вақтида янгиламаслик, ёритиш, иситиш системаларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, буйдан ташқари шовқинлар киши организмига салбий таъсир этиб, меҳнат унумдорлигини пасайтиради, кишини тез ҳориталди. Чарчоқнинг келиб чиқишига тартибсиз меҳнат, ўз вақтида дам олмаслик ҳам сабаб бўлади.

Фақат ақлий меҳнат билан шуғулланиб, жисмоний меҳнатни эсдан чиқариш эса юрак томир, нафас олиш ва олий асаб системаларининг фаолиятини пасайтириб юборади. Натижада овқат ҳазм қилиш ҳам бузилади. Ақлий меҳнат кишилари кўпроқ бадан-тарбия ва жисмоний машқ билан шуғулланишлари керак. Бу нарса ўз навбатида бевақт руҳий чарчашнинг олдини олади, асаб ҳужайраларини ҳалокатдан, семириб кетишдан, қанд касаллиги, ҳафақон атеросклероз ва ошқозон-ичак хасталикларидан сақлайди.

Баъзи кишилар чарчаш инсон учун зарарли ҳолатдир, деган нўғри фикрни илгари сурадилар. Баъзан улар меҳнат қанча енгил бўлса, киши шунча кам чарчайди, деб янглишадилар. Физиолог олимларимиз бу талқиннинг нотўғрилигини илмий исботлаб, чарчашнинг физиологик баробарликда бўлиши организм учун ижобий эканлигини тажрибалар орқали кўрсатиб бердилар. Бироқ ҳаддан ташқари чарчаш киши организмига зарарли таъсир қилиши мумкин.

Олимларимизнинг кейинги текширишлари шуни кўрсатдики, физкультура ва спорт билан шуғулланиш инсон организмидаги ҳамма жараёнларга яхши таъсир этар, унинг хотирасини кучайтирар, тарқоқ фикрларни жамлар, тафаккурни яхшилар ва меҳнат унумдорлигини оширар экан. Машҳур физиолог И. Павлов 80 ёшда ҳам велосипед ҳайдашни, городки ўйнашни, ўз уйи олдидаги йўлларни тозалашни яхши кўрар экан. Шунинг учун ҳам у: «Мен бутун ҳаётимда ақлий ва айниқса, жисмоний меҳнатни севдим ва севаман. Мен жисмоний меҳнатга бирор янгилик киритганимда, яъни мияни қўл билан бирлаштирганимда, айниқса ҳурсанд бўлардим», деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам спорт билан шуғулланиш мушакларни, асаб системасини чиниқтиради, ҳорғинликни тарқатади ҳамда унинг ҳужайраларини ҳалокатдан сақлайди.

Кишининг тетик ва бардам юришида таомларнинг турларини тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Айниқса, ишнинг оғир-енгиллиги ва йилнинг фаслига қараб овқатланиш масаласи мувофиқдир. Шуни айтиш керакки, баъзи одамлар ишдан ҳориб кела солиб кучли таомларни истеъмол қиладилар. Бу эса олий асаб системасининг кўзғолишига сабаб бўлади. Бизнингча, ақлий меҳнат кишилари пахта, зиғир мойидан тайёрланган таомларни кўпроқ истеъмол қилганлари маъқул. Чунки бу мойлар таркибида кишини тез қаритадиган холестерин йўқ. Мажмажўхори ёғи ҳам организмга тез сингади, кишини бардам тутади.

Ҳамиша тетик ва бардам юрай десангиз, ишдан кейин ва олдин кўпроқ пиёда юришни, очиқ ҳавода сайр қилишни, дам олиш кунлари шаҳар ташқарисига чиқишни унутманг. Иштиёқ билан бажарилган ҳар бир меҳнат киши асабига ва юрак-қон томирлари ишига ижобий таъсир қилади, уларни касалликлардан сақлайди.

Шундагина Иван Гаврилович, оғриган касаллик билан хасталанишнинг олдини олган бўламиз. Унинг тақдири нима бўлди? Биз уни даволадик, таомларнинг, дори-дармонларнинг кишининг вазнини камайтирадиган тури билан даволадик. Шифоловчи спорт комплексини ҳам қўлладик. Оқибатда 31 кун деганда вазни 97 килограммга келиб, нафас қисиш хасталигидан фориғ бўлиб чиқиб кетди.

О. АЗИЗХУЖАЕВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, медицина фанлари кандидати.

Болалар ва ўсмирларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ишлари улар организмининг хусусиятларига мос ҳолда олиб борилиши керак. Югуриш, узоқ масофага юриш кўп ҳолларда чиниқишга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам шаҳримиздаги боғ ва ҳиёбонларда шанба ва якшанба кунлари спорт мусобақалари ўтказиш ва бу беллашувларга болалар ва ўсмирларни кўпроқ жалб қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Тўғри ташкил қилинган жисмоний машғулотлар болалар ва ўсмирлар организмининг морфологик ривожланиши, жисмоний жиҳатдан чиниқиши ва камолга етишишига ижобий таъсир қилади. Чунки ёшларнинг организми муттасил ривожланишда бўлади. Жисмоний машқлар уларнинг тетик ва бардам бўлишларини таъминлаш билан бирга, фанларни ўзлаштириш қобилиятини ҳам ўстиради.

Қобилиятингизни тиклайди

Сайр қилиш ва пиёда юриш ҳаракатнинг оддий турларидан ҳисобланади. Бу ҳаракатлар жуда кўп хасталикларнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Айниқса улар томир ва бўғинларида, умуртқа суякларида оғриқ сезаётган кишилар учун жуда фойдалидир. Сайр қилиш ва пиёда юриш меъёрида бўлганда ревматизм хасталигидан халос бўлишга ёрдамлашади.

Агар фақат дам олиш кунларигина сайр қилинса, пиёда юриш билан ҳар куни шуғулланиш мумкин. Бундай машқ айниқса ўрта ва кекса ёшдагилар учун жуда фойдалидир. Сайр қилиш учун 2— 3 километрли масофа танланган маъқул. Масофа юриб ўтилгандан кейин беш-ўн минут дам олиш зарур.

Юришнинг инсон саломатлигига фойдасини синчиклаб ўрганган мутахассисларнинг фикрига қараганда машқни минутига 80-100 одим ташлаш билан бошлаш керак. Бир текисда нафас олиш зарур. Босиб ўтилаётган йўлка ёки йўл текис, гулзор ва дарахтзорлар ўртасида бўлса нихоятда фойдали. Сайр чоғида инсоннинг гавдаси тик бўлади, натижада қон айланиш одатдагига нисбатан кучаяди. Бу ўз навбатида фикрлаш қобилиятининг яхшиланишига олиб келади.

Сайр қилиш ва узоқ масофага пиёда юриш баъзи касалликларнинг олдини олади. Аммо машқ бошлаган киши ҳеч қачон шошмаслиги, юриш техникасига амал қилиши лозим. Қадам 75— 100 сантиметрга тенг бўлганда киши чарчамайди. Йирик одим ташлаб юриш гавданинг бузилишига, организмни зўриқтириб, тез ҳориб қолишга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сайр қилганда ва пиёда юрганда эркин ҳаракат қилиб бир маромда одим ташлаш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда тана аъзолари тенг ҳаракатланиб, организм тетиклашади.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда ҳар куни юриш ва сайр қилишга ўттиз минут вақт сарфланганда катта фойда кўриш мумкин. Агар бир хилликдан зериксангиз маълум бир масофани босиб ўтгандан кейин бошқа жисмоний машқларни бажаринг. Машқни 400 метр масофага юришдан бошлаш тўғри бўлади. Кейин аста-секин масофа узайтириб борилади. Уч километр масофани ўттиз минутда босиб ўтиш кўникмаси ҳосил бўлганда машқ меъёрига етган ҳисобланади.

Йилнинг турли фаслларида тоғ, боғ, майсазор ва гулзорларда сайр қилиш кишининг бақ-дилини очади, унга қўшимча қувват бағишлайди. Қисқаси сайр ва пиёда юриш организмнинг қобилиятини оширишга хизмат қилади.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

«ШИРИН» ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ЗАРУР КАСБЛАР ЖУДА КЎП. ЭНГ МУҲИМИ—КЎНГИЛГА ЎТИРИШАДИГАН ИШ ТОПИШДИР. АНА ШУНДА МЕҲНАТ КИШИГА ҚУВОНЧ КЕЛТИРАДИ.



АЗИЗ ҚИЗЛАР!

АГАРДА СИЗ САВДОДА ИШЛАШГА ҚАРОР ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГ

Сиз бу ерда 6 ойлик ўқиш ва меҳнат практикаси даврида озиқ-овқат моллари сотувчиси касбини эгаллаб чиқасиз. «Ширин» мактаб-магазинига кирганлар Чилонзор район магазинларига ишга юборилади.

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Фақат Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш шарт.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Мактаб-магазин маъмурияти битирувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришлари ҳақидаги истакларини қўллаб-қувватлайди.

Хоҳловчиларга имтиёзли равишда Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, келгусида эса Совет савдоси институтига киришлари учун имконият яратади.

«Ширин» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: аттестат ёки 8-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома, паспорт ёки туғилгани ҳақида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, агар бўлса, меҳнат дафтарчаси, яшаш жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.).

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳар, Чилонзор массиви, 23-квартал, Ғафур Ғулом кўчаси, 42-уй (2, 41, 54-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Ширин» мактаб-магазини бекати).

Справкалар учун телефон 76-76-94.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

КИНО

2 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НОН ҲАҚИДА СЎЗ» — **Фестиваль.**

«ЭМИССАРЛАР»— **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИСҚА САВҲАТ»— **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«ТУЙ КУНИНИ АНИҚЛАШ КЕРАК»— **Ҳамза номли** (19.00, телефон 91-10-51).

«ДУПЛЕТ ОТИШМА»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«КУЗДА ҚАЙТАМИЗ» — **Искра** (18, 19.45). **Восток** (тоқ соатларда, телефон 91-14-61).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ»— **К. Ерматов номли** (20, телефон 24-22-66).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.45, телефон 44-39-51).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!»— **Санъат саройи** (катта зал, 19.00).

3 СЕНТЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НОН ҲАҚИДА СЎЗ» — **Фестиваль.**

«ЭМИССАРЛАР»— **Восток.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҚИСҚА САВҲАТ» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН»— **Ҳамза номли** (10, 14, 19.00, телефон 91-10-51).

«ДУПЛЕТ ОТИШМА»— **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«КУЗДА ҚАЙТАМИЗ» — **Искра** (16, 18, 19.45).

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ»— **К. Ерматов номли** (11, 14, 15, 20.00 телефон 24-22-66).

«АЛИБОБО ВА ҚИРҚ ҚАРОҚЧИ САРГУЗАШТЛАРИ»— **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.45, телефон 44-39-51).

«ЭҲТИЁТ БЎЛ, ИЛОН!» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30 16.10, 19.00).

«ТАШХЛЕБТОРГ»

Нон-булка ва кондитер маҳсулотлари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

8—10-синф ҳажмида маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади. Стипендия: 1 ва 2-ойда 52 сўм 50 тийиндан, 3-ойда 56 сўм.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: паспорт, маълумоти тўғрисида аттестат ёки гувоҳнома, 2 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси.

3 ойлик ўқиш муддати тугагач ўқувчиларга кичик сотувчи малакаси ва совет савдоси техникумига кириб ўқиш учун йўлланма берилади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Тимирязев кўчаси, 2-уй (2, 16, 25-трамвайларнинг «Қозоғистон» кинотеатри»; 19, 47-автобусларнинг «Тимирязев кўчаси» бекатлари). Телефон 35-41-31.

«ТАШХЛЕБТОРГ».

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

206-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1980—81 ЎҚУВ ИЙЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

сувоқчи-бўёқчи-плитачи, бульдозер, скрепер, прицепли грейдер машинисти, автомобиль ремонти бўйича слесарь (техника билим юртини тамомлагач, автослесарлар база ташкилоти ҳисобидан профессионал ҳайдовчи «С» категорияли правасини олиш учун ДОСААФга ўқишга юборилади), слесарь-сантехник, автомобиль крани машинисти (профессионал ҳайдовчи «С» категорияли правасини олиш билан).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 17 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.
Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник ихтисосидаги ўқувчиларга 65 сўм ҳажмида стипендия, қолганларига 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади ёки уч ҳафта бепул овқатланадилар шунингдек ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини тамомлаган барча битирувчилар Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади лар.

Техника билим юртидаги ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар бўлиши шарт: директор номига ёзилган ариза, автобиография, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (286 ёки 9-форма), яшаш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (4х5 см.).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Октябрь районы, Хуршид кўчаси, 83-уй (10, 23, 27-трамвайлар, 10-троллейбус, 48-автобусларнинг «Лабзак» бекати).

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Т. Шевченко кўчаси, 28-уй)
троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Бошқа шаҳарлик ёлғиз кишиларга депо яқинига жойлашган ётоқхонадан жой берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Депо ишчилари форма кийими билан таъминланадилар (50 процент ҳақи тўланади).

ШУНИНГДЕК, КОНДУКТОРЛАР ВА КОНТРОЛЁРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш — муддати 15 кун. Стипендия тўланади.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

2 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.25 «Ёшлар адреслари». 18.25 От спорти бўйича СССР чемпионати. Уч кураш. Манежда юриш. Олимпиада от спорти комплексидан олиб кўрсатилади. 19.15 «Дунё воқеалари».

ВЬЕТНАМ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ 35 ЙИЛЛИГИГА. 19.30 «Бугунги Вьетнам». Кинопрограмма. 19.55 Марказий телевидение экранида биринчи марта. «Шиддатли шамоллар мавсуми». Бадиий фильм (Вьетнам). 21.30 «Время» 22.05 «Андрей Петров. Яхши куй керак». Фильм-концерт премьераси. 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Спорт ҳамма вақт ҳар бир киши учун керак». Ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Музикали киоск». 22.30 «Объектив». 23.00 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар. 23.15 РСФСРда хизмат кўрсатган артист К. Кадинская ижросида опералардан ариялар. 23.35 «Гагра — Пицунда». Ҳужжатли фильм. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сеҳрли қушча». Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Жонажон ўлка». 19.00 Бухорода халқ революцияси ғалабасининг 60 йиллигига. «Қизил Бухоро». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ўзбекистон бўёқлари». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.55 «Москонцерт» солисти Зулайҳо Оқилова ижросида жаҳон халқларининг рақслари (такрорий). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Тангрибердиева ва М. Қозоқбоев концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Амирликнинг емирилиши». Бадиий фильм (рус.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Эстетика нимани ўрганади» (рус.). 21.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 21.35 «Нефть қидирувчилар», «Харасавой» трассаларни», «Ширвон нефти». Телефильмлар. 22.25 «Минг жон». Телеспектакль. 2-қисм. (рус.).

3 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Шиддатли шамоллар мавсуми». Бадиий фильм. 11.40 «Бу ерда рус шеърлари янграган». Фильм-концерт. 12.20 «Леннаучфильм» студияси илмий-оммабоп фильмлари программаси. 12.50 Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.15 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». Кинопрограмма. 16.00 «Шахмат мактаби». «Болалар ва шахмат». 16.30 «Булоқ бошида». Фильм-концерт (Боку). 17.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 17.35 «Горичилар, қаердасиз!».

18.05 Халқ оқанглари. 18.20 От спорти бўйича СССР чемпионати. уч кураш. Кросс. Стипль-чез. Олимпиада от спорти комплексидан олиб кўрсатилади. 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». «Самотлорнефтепромстрой» трести ҳақида. 19.45 «Жасорат». 20.15 «Кескин бурилиш». Телевизион бадиий фильм премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Музикальная жизнь» телевизион журнали. 23.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Қишлоқ янгиликлари». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Сизни қизиқтирган китоблар». 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Мушукчанинг саргузашти». Қўғирчоқ фильм. 12.00 «Тим Талер». Болалар учун телеспектакль. I қисм (рус.). 13.00 «Шеърият мухлисларига». 13.20 «Амирликнинг емирилиши». Бадиий фильм (рус.).

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ўрмон қўғирчоқлари». Қўғирчоқ фильм. 18.35 «Ёшлар ижоди». 19.05 «Сибирь программаси бўйича дарс». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ёзувчи ва замон». Х. Тўхтабоев. 20.30 «Ахборот». 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Ишга туширилиадиган объектлар — сафга». «Самарқандхимстрой» объектларида бригада пудрати ҳақида (рус.). 22.25 КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛАЙЛИК. «Турмуш маданияти— ҳаёт зийнати». Жиззах областидан кўрсатув. Танаффус пайтида — 23.05 — «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Эстетика нимани ўрганади». 21.05 Реклама. 21.20 «Юзлаб йиллар тошларда ва қуйларда». Фильм-концерт. 21.35 «Икки томонлама йўл». Телефильм. 22.05 «Минг жон». Телеспектакль 3-қисм (рус.).

4 ТОШКЕНТ бех ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарвар ишлари — 32-55-32; хатлар—33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-80.

2 СЕНТЯБРЬ, 1980 й. Р—14071. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Б—2174.